

**MEDICINE
PROBLEMS**

.UZ

**TIBBIYOT
FANLARINING
DOLZARB
MASALALARI**



Vol 1. № 1

2023



САЙТ: <https://medicineproblems.uz>
DOI: 10.47390/MPV1I1Y2023

MEDICINEPROBLEMS.UZ

**TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB
MASALALARI**

№ 1 (1)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ МЕДИЦИНСКИХ НАУК

TOPICAL ISSUES OF MEDICAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

ИСАНОВА ШОИРА ТУЛҚИНОВНА- Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат тиббиёт университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳакимов Мурод Шавкатович –тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси;

Мавланев Алимбай – тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси;

Эргашев Насриддин Шамсиддинович - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент педиатрия институти;

Абдуллаева Наргиза Нурмаматовна - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат тиббиёт университети;

Джурабекова Азиза Тахировна - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат тиббиёт университети;

Хайдарова Дилдора Кадировна - тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент тиббиёт академияси;

Рузибоев Санжар Абдусаломович- тиббиёт фанлари доктори, доцент, Самарқанд давлат тиббиёт университети;

Саттаров Ойбек Тохирович- тиббиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент тиббиёт академияси;

Ниёзов Шухрат Ташмирович - тиббиёт фанлари доктори, доцент, Самарқанд давлат тиббиёт университети;

Тавашаров Баҳодир Назарович – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Ҳалметова Феруза Искандаровна – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Ғайбиев Акмалжон Ахмаджонович - тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Самарқанд давлат тиббиёт университети;

Қўзиёв Отабек Журақулович – тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент педиатрия институти;

Эргашева Муниса Якубовна - тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Самарқанд давлат тиббиёт университети;

Олланова Шахноза Сирлибаевна – тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанд давлат тиббиёт университети;

Хайитов Илхом Баҳодирович – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Алимов Сухроб Усмонович- тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Фозилов Уктам Абдураззокович - тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат тиббиёт институти;

Рахимов Ойбек Умарович – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент педиатрия институти;

Саттаров Инаят Сапарбаевич – тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент тиббиёт академияси;

Абидов Ўткир Ўктамович – тиббиёт фанлари номзоди, Бухоро давлат тиббиёт институти;

Амонова Захро Қахрамон қизи - тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанд давлат тиббиёт университети.

TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB

MASALALARI электрон журнали 02.03.2023 йилда 132099-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/Scienceproblemsteam_uz

МУНДАРИЖА

<i>Liverko Irina, Abduganiyeva Elnora, Ahmedov Shahboshan, Halilova Dilnoza</i> BRONXIAL ASTMANI DAVOLASH XUSUSIYATLARI: A2BCD TAVSIYALARI (GINA2023)	5-12
<i>Наврузов Рустам Рашидович, Яхёева Гулчеҳра Мусоевна</i> НУР ТАШХИС УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА СОН-ЧАНОҚ БЎҒИМИ ОСТЕОНЕКРОЗИНИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРДА ТАШХИСЛАШ: ИМКОНИЯТЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	13-24
<i>Tillyashayxova Iroda Mirzagalebovna</i> КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДАН КЕЙИН БЕМОРЛАРДА УГЛЕВОД АЛМАШИНУВИНИ БУЗИЛИШИ	25-33
<i>Tosheva Iroda Isroilovna, Ixtiyarova Gulchexra Akmalovna</i> XORIOAMNIONIT VA PERINATAL NATIJALAR	34-40
<i>Vafoyev Shaxzod Farhod o'g'li</i> SOG'LOM VA TURLI KASALLIKLARDA INSON ICHAK MIKROFLORASI HOLATINING O'ZGARISHI	41-49
<i>Собирова Гузал Наимовна, Бафоева Зарнигор Орифовна</i> COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ВИРУСГА ҚАРШИ ИШЛАТИЛГАН ДОРИ-ПРЕПАРАТЛАР НАТИЖАСИДА ЖИГАР ФЕРМЕНТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ ТАҲЛИЛИ	50-56
<i>Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна, Нишонбоева Нилуфар Юнусджоновна</i> БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТДА ПСИХОСОМАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ	57-63
<i>Назарова Нигина Отабек қизи, Жабборов Озимбой Отахонович</i> ЛЮПУС НЕФРИТ БЕМОР ГУРУҲЛАРИДА КЛИНИК ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ	64-70
<i>Худойдодова Сайёра Гафурджановна</i> КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ВНУТРИУТРОБНЫЕ ИНФЕКЦИИ У ДЕТЕЙ	71-76
<i>Sultonova Nigora A`zamovna</i> ODATIY VOLA TASHLASH KUZATILGAN AYOLLARDA HOMILA TUSHISHINI TASHXISLASHNING CHORALARI	77-84

Liverko Irina Vladimirovna

*Tibbiyot fanlari doktori,
Respublika ixtisoslashtirilgan ftiziatriya
va pulmonologiya ilmiy-amaliy
tibbiyot markazi ilmiy ishlar va innovatsion
rivojlanish bo'yicha direktor o'rinbosari
Email: liverko@yandex.ru
ORCID:0000-0003-0059-9183*

Abduganiyeva Elnora Abralovna

*PhD, Toshkent tibbiyot akademiyasi, katta o'qituvchi
Email: elnoraabduganieva@yandex.com
ORCID:0000-0001-5276-2291*

Ahmedov Shahboshan Mahmudovich

t.f.n., Toshkent tibbiyot akademiyasi dotsenti

Halilova Dilnoza Musurmon qizi

*magistr, Respublika ixtisoslashtirilgan ftiziatriya
va pulmonologiya ilmiy-amaliy
tibbiyot markazi tayanch doktoranti
Toshkent tibbiyot akademiyasi assistenti*

BRONXIAL ASTMANI DAVOLASH XUSUSIYATLARI: A2BCD TAVSIYALARI (GINA2023)

Annotatsiya. Bronxial astma muammosi global xarakterda ekanligi tufayli ushbu surunkali kasallik haqida xabardorlikni oshirish, kasallikni oldini olish va davolashni yaxshilash zamonaviy tibbiyot oldidagi dolzarb muammodir. Ushbu maqolada bronxial astma bilan kasallangan bemorlar diagnostikasi va davolash tamoyillari bo'yicha Global Astma Tashabbusida (GINA) 2021-2023 yillarda bo'lgan o'zgarishlarning ilmiy manbalardan foydalangan holda tahlili keltirilgan. Kasallikning har bir bosqichi uchun mos davolash bo'yicha tavsiyalar sxema-algoritmlar shaklda berilgan. Mualliflar maqolada GINAda kiritilgan o'zgarishlarga asos bo'la olgan ilmiy tadqiqotlarga ham havola keltirilgan.

Kalit so'zlar: bronxial astma, GINA, bronxial astma davosi, bazis terapiya, ingalyatsion glyukokortikosteroid, qisqa ta'sir etuvchi bronxodilyatator, COVID-19

Ливерко Ирина Владимировна

*Доктор медицинских наук,
Заместитель директора по науке и
инновационному развитию республиканского
специализированного научно-практического
медицинского центра фтизиатрии и пульмонологии*

Абдуганиева Эльнора Абраловна

*PhD, Ташкентская медицинская академия,
тарший преподаватель*

Ахмедов Шахбосхан Махмудович
к.м.н., Ташкентская медицинская академия, доцент

Халилова Дилноза Мусурмон кизи
*Докторант республиканского специализированного
научно-практического медицинского
центра фтизиатрии и пульмонологии
Ташкентская медицинская академия, ассистент*

ОСОБЕННОСТИ ЛЕЧЕНИЯ БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ: A2BCD РЕКОМЕНДАЦИИ (GINA2023)

Аннотация. Проблема бронхиальной астмы имеет глобальный характер, поэтому повышение информированности о данном заболевании, улучшении профилактики и лечения заболевания является актуальной проблемой медицины. В статье приводятся данные Глобальной Стратегии по Астме (GINA) и изменения внесенные за 2021-2023 года. Лечебные схемы для каждой ступени заболевания приведены в форме схем. Авторы также приводят ссылки на исследования на основе которых внесены изменения в GINA.

Ключевые слова: бронхиальная астма,GINA, лечение бронхиальной астмы, базисная терапия, ингаляционные глюкокортикостероиды, бронходилататоры, COVID-19

Liverko Irina Vladimirovna
*Doctor of science, Republican specialized
phthisiatry and pulmonology scientific-practical
medical center Deputy of Director by
scientific works and innovation*

Abduganieva Elnora Abralovna
PhD, Tashkent Medical Academy, senior teacher

Ahmedov Shahboshan Mahmudovich
c.m.s.(PhD), Tashkent Medical Academy, associate professor

Halilova Dilnoza Musurmon qizi
Tashkent Medical Academy, assistant

FEATURES OF TREATMENT OF BRONCHIAL ASTHMA: A2BCD RECOMMENDATIONS (GINA2023)

Abstract. The problem of bronchial asthma is global in nature, so increasing awareness about this disease, improving the prevention and treatment of the disease is an urgent medical problem. The article provides data from the Global Asthma Strategy (GINA) and changes made for 2021-2023. Treatment regimens for each stage of the disease are given in the form of diagrams. The authors also provide links to studies on the basis of which changes were made to GINA.

Key words: bronchial asthma, GINA, treatment of bronchial asthma, basic therapy, inhaled glucocorticosteroids, bronchodilators, COVID-19.

DOI: <https://doi.org/10.47390/MEDV1I1Y2023N01>

Kirish. 1993-yildan boshlab har yili astmani davolash va diagnostikasi Global tashabbusi hisobotlari nashr qilib kelinadi va bunda ekspertlar kengashi astmani davolashda yangi strategiyalarni taklif qilishadi [1,16,17]. Bronxial astma(BA) eng keng tarqalgan infeksiyon

bo'lmagan kasalliklardan biridir[18]. Ma'lumotlarga ko'ra 2019 yil holatiga dunyo miqyosida BAga chalingan bemorlar soni 262 millionga yetdi, kasallik tufayli qayd etilgan o'lim holatlari soni esa 461 mingni tashkil qildi[16,17]. BA - nafas yo'llarining surunkali yallig'lanishi bilan kechuvchi geterogen xarakterdagi kasallik hisoblanadi. Bu kasallik nafas siqishi, yo'tal, ko'krak qafasida og'irlik, havo yetishmaslik hissi kabi belgilarning intensivligi bilan ajralib turadi [6].

Bronxial astma muammosi global xarakterda ekanligi tufayli ushbu surunkali kasallik haqida xabardorlikni oshirish, kasallikni oldini olish va davolashni yaxshilash maqsadida 1990-yilda Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti va AQSHning o'pka, yurak va qon milliy instituti tomonidan "Bronxial astmani boshqarish va oldini olish bo'yicha global strategiya"si yaratildi. GINA hisobotlarida taqdim etilgan tavsiyalar, dalillarga asoslangan tibbiyot tamoyillariga, kuzatuvlarga, randomizatsiyalangan nazorat ostidagi sinovlarga (RNS), tizimli sharhlar va metaanalizlarga asoslangan. 2019-2021-yillarda Global Tashabbus Astma (GINA) ning yillik tahlili qayta ko'rib chiqildi. So'ngi marta GINA 2023-yilning bahorida qayta ko'rib chiqildi. Ushbu hujjatdagi asosiy o'zgarishlar pastda keltirilgan. Yangi koronavirus pandemiyasini (COVID-19) hisobga olgan holda bu infeksiya bilan bog'liq bo'lgan bronxial astma haqida ma'lumotlar taqdim etiladi[2,3,4].

Bronxial astmani davolash va tashxislash

Astmali bemorlarni samarali olib borish uchun astmani tashxisi aniqlangan bo'lishi kerak. Hozirgi kunga kelib astma tashxisini qo'yishga imkon beruvchi yagona belgi yo'q. GINA 2023 yildagi tavsiyanomalarida astmani tashxislash va davolash uchun A2BCD tizimi taklif qilingan. Bu tizim astmani 2 komponent asosida baholashni tavsiya qiladi: tashxislash va fenotipni aniqlash, shuningdek nazorat darajasini va kelib chiqishi mumkin bo'lgan xavflarni aniqlash.

A Assess (baholash): tashxis va fenotip

Tashxis

- Kasallik tarixi va simptomlarni aniqlash va spirometriya o'tkazish,
- Nafas yo'llarida obstruksiya bo'lsa: qaytarilishini sinamasini tekshirish
- O'pka funksiyasi normal bo'lsa: yuqori ekspirator oqimning o'zgaruvchanligini tekshirish, yoki bronxial provokatsion testlarni o'tkazish uchun mutaxassislariga murojaat qilish

Fenotiplash

- Kasallik boshlanish yoshini, biomarkerlarini, allergiya va qo'zg'atuvchilarni baholash

A Assess(baholash): nazorat va xavf

Joriy nazorat

- ACT yoki ACQ bo'yicha baholash, yoki astma simptomlari nazoratlanishi bo'yicha savol berish

Kelajakdagi xavfni baholash

- O'pka funksiyasi o'zgarganligini aniqlash
- Astma xurujlari tarixi: qisqa ta'sir etuvchi b-adrenoretseptor agonistlari yoki oral kortikosteroidlardan foydalanish mumkinligini baholash

- Qonda ezonofillar yoki fraksion eksalatsiyalangan azot oksidi (mavjud bo'lsa) ko'tarilganlik darajasini aniqlash

B Basics(Asosiy qoidalar)

Qoidalarga to'g'ri rioya qilish

- Ingalyatordan to'g'ri foydalanishni bilish
- O'z-o'zini boshqarish va davolanishga rioya qilish
- Muntazam jismoniy faollik
- Triggerlarni oldini olish masalan, allergenlar, chekish, b-blokerlar, yallig'lanishga qarshi nosteroid dori vositalarini nafas olish kasalliklarida qo'llamaslik

C Comorbidities(yondosh kasalliklar)

Yondosh kasalliklarni davolash

Masalan, allergik rinit, surunkali rinosinusit, atopik dermatit, o'pkaning surunkali obstruktiv kasalligi, depressiya, uyqu apnoesi, gastro-eozofagial reflyuks kasalligi, nafas olishning buzilishi kabilar

D DMAADs (kasallikni o'zgartiruvchi astmaga qarshi dorilar)

DMAADs bilan davolash

• Masalan, IG b z ksl2; KS- asosidagi ingalyatorlar (uzoq ta'sir etuvchi b-adrenoretseptor agonistlari yoki uzoq ta'sir etuvchi muskarin retseptorlari antogonistlari bilan yoki ularsiz), biologik preparatlar va allergen immunoterapiyasi

Remissiyaga intilish

- Kasallik belgilari yo'q va kuchaymadi
- Oral kortikosteroidlardan foydalanilmadi
- Davolanish bilan bog'liq minimal salbiy ta'sirlar
- Barqaror o'pka funksiyasi

Bronxial astmani davolash xususiyatlari

Bronxial astmani davolashdan asosiy maqsad kasallik belgilari ustidan uzoq vaqt davomida nazoratga erishish va kasallikni remissiya vaqtini uzaytirishdir. Terapiyaning asosiy maqsadi astmaning xuruji xavfini kamaytirish, normal o'pka funksiyasini va jismoniy faollikni saqlash shuningdek, terapiyaning istalmagan ta'sirini kamaytirish hisoblanadi [7,8].

Astmani davolash o'z vaqtida, kompleks, individual bo'lishi lozim hamda astma fenotipiga, og'irlik darajasiga va kasallikning nazorat darajasiga mos bo'lishi kerak[5].

Astmaning farmakologik terapiyasi uch toifadagi dorilarni o'z ichiga oladi:

1. Kasallikni nazorat qilish uchun preparatlar (bazis terapiya vositalari)- "Nazoratchilar" – doimiy terapiya uchun ishlatiladi. Bularga ingalyatsion glyukokortikosteroidlar, ularning bronxodilatatorlar bilan kombinatsiyasi va leykotrein retseptorlari antogonistlari kiradi.

2. Shoshilinch yordam preparatlari - bronxospazm xurujlarini to'xtatish uchun buyuriladi.

3. Og'ir astma bilan kasallangan bemorlarni davolashda ishlatiladigan qo'shimcha preparatlar

Astmaning farmakoterapiyasiga zamonaviy yondashuv dallillarga asoslangan tibbiyot tamoyillariga asoslanadi va davolash hajmini bosqichma-bosqich oshirish yoki iloji bo'lsa (astma nazoratiga erishilganda) kamaytirishning besh bosqichli algoritmidan iborat. Terapiyaning har bir bosqichida ma'lum bir dorilar to'plami va ularning turli dozalarda kombinatsiyasi mavjud[9,10,11,12].

2019-yildan boshlab, GINA tavsiyalariga muvofiq ravishda yengil bronxial astmada nafas siqilishi xurujini bartaraf etish uchun qisqa ta'sir etuvchi b2-agonistlar (salbutamol, formeterol) monoterapiyasini qo'llash tavsiya etilmaydi. Buning o'rniga yuqori darajada ta'siri isbotlangan ingalyasion kortikosteroidlar va tez ta'sir etuvchi bronxodilatatorlar

kombinatsiyasini qo'llash taklif qilindi. Hozirgi kunda salbutamol va fenaterol kabi ingalyatorlarni birinchi yordam maqsadida haddan tashqari ko'p qo'llash kasallikning zo'rayishi va bu kasallikdan o'lim xavfini oshishi haqida dalillar mavjud.

GINA 2020 da kombinatsiyalangan dori vositalarini, shu jumladan formoterol va IGKS larni qo'llashdagi ustunliklar saqlanib qolindi. Astma va XOBL kombinatsiyasini davolash bo'limi yangilandi. Kattalar va bolalarda og'ir va davolash qiyin bo'lgan bronxial astmani davolash bo'limiga qo'shimcha sxemalar kiritildi. Bundan tashqari, COVID-19 pandemiyasi davrida BA ni davolash bo'limi qo'shildi.

GINA 2021 da intermittirlovchi va persistirlovchi BA o'rtasida farq yo'qligini taklif qiladi, chunki avvallari intermittirlovchi BA bilan og'irgan bemorlar hurujlarni bartaraf etish uchun qisqa ta'sir etuvchi b2-agonistlar foydasi yuqori deb hisoblashgan. Biroq, hozirgi kunda aniqlanganki, bunday bemorlarda og'ir xurujlar rivojlanish xavfi mavjud, IGKS dan foydalanish esa bu xavfni kamaytiradi.

GINA 2021 da SARS-COV-19 virusining tarqalish xavfini kamaytirish maqsadida nebulayzerlardan foydalanishni minimallashtirishni tavsiya qiladi. Pandemiya davrida maxsus o'lchangan dozali speyserlardan foydalanish afzalroqdir. Hozirgi kunda GINA BA bilan og'irgan bemorlarni COVID-19 ga qarshi emlanishni taklif etadi. Astmaning biologik terapiyasi va COVID-19 ga qarshi emlasni bir kunda o'tkazmaslik kerak deb tavsiya beriladi[14-15].

GINA 2021 da BA ni davolash etaplari quyidagicha:

Bazis terapiya va astma simptomlarini bartaraf etish uchun afzal dorilar (sxema-1). IGKS/formeterol kombinatsiyasi qisqa ta'sir etuvchi b-2 agonistlari bilan solishtirilganda kasallikni zo'rayish xavfini kamaytiradi.

Sxema-1

1-2-etaplar	3-etap	4-etap	5-etap
Ehtiyojga ko'ra kichik dozada IGKS/formeterol	Kichik dozada IGKS/formeterol (bazis terapiya)	O'rtacha dozada IGKS/formeterol (bazis terapiya)	UTAX qo'shish. Anti-IgE, anti-IL-4R, anti-IL-5/IL-5R orqali astmani fenotipini aniqlash. Yuqori dozali IGKS/formeterol

Izoh: ARL-antileykotrien dori vositalari, QTBA-qisqa ta'sir etuvchi b2-agonistlar, UTBA-uzoq ta'sir etuvchi b2-agonist, UTAX-uzoq ta'sir etuvchi antixolinergik preparat, SKGKS- tizimli glyukokortikosteroidlar, IGKS- ingalyasion glukokortikosteroidlar, IL-interleykin, IgE-immunoglobulin E.

Simptomlarni bartaraf etish uchun taklif qilingan preparat: IGKS/formeterol kombinatsiyasidir. Ilgari bu o'rinda qisqa ta'sir qiluvchi betta agonistlar qo'llanishga tavsiya qilingan.

Bazis va alternativ terapiya simptomlarni bartaraf etish uchun (sxema-2). QTBA preparatlarini buyurishdan oldin bemorlarni asosiy terapiyaga rioya qilishiga ishonch hosil qilish kerak.

Sxema-2

1-etap	2-etap	3-etap	4-etap	5-etap
QTBA larni xar safar qo'llaganda IGKS dan ham foydalanish	Kichik dozada IGKS	Kichik dozada IGKS/UTBA (bазis terapiya)	O'rtacha dozada IGKS/UTBA (bазis terapiya)	UTAX qo'shish. Anti-IgE, anti-IL-4R, anti-IL-5/IL-5R orqali astmani fenotipini aniqlash. yuqori dozada IGKS/UTBA

Izoh: ARL-antileykotrien dori vositalari, QTBA-qisqa ta'sir etuvchi b2-agonistlar, UTBA-uzoq ta'sir etuvchi b2-agonist, UTAX-uzoq ta'sir etuvchi antixolinergik preparat, SKGKS- tizimli glyukokortikosteroidlar, IGKS- ingalyasion glukokortikosteroidlar, IL-interleykin, IgE-immunoglobulin E.

2-sxema doirasida simptomlarni bartaraf etish uchun tavsiya qilingan preparatlar qisqa ta'sir qiluvchi b2-agonistlardir.

Boshqa bazis terapiya

2-etap	3-etap	4-etap	5-etap
QTBA larni xar safar qo'llaganda kichik dozali IGKS dan ham foydalanish yoki har kuni ARL yoki+uy kanasi allergenlariga sublingual immunoterapiya	O'rta dozali IGKS, yoki +ARL, yoki + uy kanasi allergenlariga sublingual immunoterapiya	+ UTAX, yoki ARL, yoki yuqori dozada IGKS	+azitromitsin(kattalarga) yoki ARL+kichik dozada SGKS, lekin salbiy oqibatlarini hisobga olish kerak.

Izoh: ARL-antileykotrien dori vositalari, QTBA-qisqa ta'sir etuvchi b2-agonistlar, UTBA-uzoq ta'sir etuvchi b2-agonist, UTAX-uzoq ta'sir etuvchi antixolinergik preparat, SKGKS- tizimli glyukokortikosteroidlar, IGKS- ingalyasion glukokortikosteroidlar, IL-interleykin, IgE-immunoglobulin E.

Xulosa. Bronxial astma barcha yoshdagi organizmlarda uchrovchi va tarqalishini ortib borishi bilan tavsiflanadigan kasallik bo'lib Butun Jahon Sog'liqni Saqlash tashkilotining global muammosi hisoblanadi. BA ni davolashda tibbiyot xodimlari bir qancha muammolarga duch kelishadi. Shuning uchun GINA tibbiyot xodimlari va jamiyatni ushbu surunkali kasallik haqida xabardorligini oshirish maqsadida har yili BA ustida olib borilgan izlanishlar tufayli olingan yangilangan tavsiyalarni nashr etadi. GINA dagi so'ngi yangilangan eng muhim o'zgarish bu yengil, o'rtacha va og'ir bronxial astma bilan og'rigan bemorlarda asosiy terapiyaga va simptomlarni bartaraf etish uchun IGKS/formeterol kombinatsiyasini qo'shish bo'ldi. Bu kombinatsiyalangan preparat astmaning boshlang'ich bosqichlarida ham davolash, ham simptomlarni bartaraf etish uchun tavsiya qilindi, qisqa ta'sir qiluvchi b2-agonistlar qo'llanishi chegaralandi.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Global Initiative for Asthma. Global strategy for asthma management and prevention. Updated 2021. Available from: <https://ginasthma.org/gina-reports/> Accessed 2021 Sep 29.
2. Williamson EJ, Walker AJ, Bhaskaran K, Bacon S, Bates C, Morton CE, Curtis HJ, Mehrkar A, Evans D, Inglesby P, Cockburn J, McDonald HI, MacKenna B, Tomlinson L, Douglas IJ, Rentsch CT, Mathur R, Wong AYS, Grieve R, Harrison D, Forbes H, Schultze A, Croker R, Parry J, Hester F, Harper S, Perera R, Evans SJW, Smeeth L, Goldacre B. Factors associated with COVID-19-related death using OpenSAFELY. *Nature* 2020 Aug;584(7821):430-6.
3. Liu S, Cao Y, Du T, Zhi Y. Prevalence of comorbid asthma and related outcomes in COVID-19: a systematic review and meta-analysis. *The Journal of Allergy and Clinical Immunology. In Practice* 2021 Feb;9(2):693-701.
4. Bloom CI, Drake TM, Docherty AB, Lipworth BJ, Johnston SL, Nguyen-Van-Tam JS, Carson G, Dunning J, Harrison EM, Baillie JK, Semple MG, Cullinan P, Openshaw PJM; ISARIC investigators. Risk of adverse outcomes in patients with underlying respiratory conditions admitted to hospital with COVID-19: a national, multicentre prospective cohort study using the ISARIC WHO Clinical Characterisation Protocol UK. *The Lancet. Respiratory Medicine* 2021 Jul;9(7):699-711.
5. Papadopoulos NG, Mathioudakis AG, Custovic A, Deschildre A, Phipatanakul W, Wong G, Xepapadaki P, Abou-Taam R, Agache I, Castro-Rodriguez JA, Chen Z, Cros P, Dubus JC, El-Sayed ZA, El-Owaidy R, Feleszko W, Fierro V, Fiocchi A, Garcia-Marcos L, Goh A, Hossny EM, Huerta Villalobos YR, Jartti T, Le Roux P, Levina J, López García AI, Ramos ÁM, Morais-Almeida M, Murray C, Nagaraju K, Nagaraju MK, Navarrete Rodriguez EM, Namazova-Baranova L, Nieto Garcia A, Pozo Beltrán CF, Ratchataswan T, Rivero Yeverino D, Rodríguez Zagal E, Schweitzer CE, Tulkki M, Wasilczuk K, Xu D; PeARL collaborators, on behalf of the PeARL Think Tank. Childhood asthma outcomes during the COVID-19 pandemic: findings from the PeARL multi-national cohort. *Allergy* 2021 Jun;76(6):1765-75.
6. Leshchenko I.V. (2019) Bronhial'naya astma: prostye resheniya slozhnyh voprosov [Bronchial asthma: simple solutions of complicates problems]. *Med. sovet*, no 6, pp. 52–57.
7. Meshcheryakova N.N., Belevskij A.S. (2015) Vozmozhnosti primeneniya ekstramelkкодисперсной фиксированной комбинации беклометазона и формотерола в едином ингаляторе в качестве поддерживающей и симптоматической терапии [Options of use of extrafine fixed combination of beclometasone and formoterol in a single inhaler as a supportive and symptomatic therapy]. *Prakticheskaya pul'monologiya*, no 1, pp. 88–92.
8. Avdeev S.N., Ajsanov Z.R., Belevskij A.S. (2019) Puti uluchsheniya diagnostiki i lecheniya bol'nyh bronhial'noj astmoj vrachami pervichnogo zvena [Ways of improvement of diagnostics and treatment of patients with bronchial asthma by primary care physicians]. *Pul'monologiya*, vol. 29, no 4, pp. 457–67. doi: 10.18093/0869-0189-2019-29-4-457-467.
9. Saluhov V.V., Haritonov M.A., Zajcev A.A. (2020) Sovremennye predstavleniya o bronhial'noj astme [Modern ideas about bronchial asthma]. *Vestnik Rossijskoj Voenno-meditsinskoj akademii*, no 2 (70), pp. 227–234.

10. Chuchalin A.G. (2019) Federal'nye klinicheskie rekomendacii po diagnostike i lecheniyu bronhial'noj astmy [Federal clinical recommendations on diagnostics and treatment of bronchial asthma]. M.: Ross. Respiratornoe obshchestvo, 97 p. (in Russian).
11. Dusser D., Montani D., Chanez P. (2007) Mild asthma: An expert review on epidemiology, clinical characteristics and treatment recommendations. *Allergy*, no 62 (6), pp. 591–604. doi: 10.1111/j.1398-9995.2007.01394.x
12. Suissa S, Ernst P, Benayoun S, Baltzan M, Cai B. Low-dose inhaled corticosteroids and the prevention of death from asthma. *The New England Journal of Medicine* 2000 Aug;343(5):332-6.
13. Barnes P.J. (2012) *Allergy Asthma Proc.*, vol. 33, p. 140.
14. Papi A. (2007) BEST Study Group. Rescue use of beclomethasone and albuterol in a single inhaler for mild asthma. *N. Engl. J. Med.*, vol. 356, no 20, pp. 2040–2052.
15. Ducharme F.M., Ni Chroinin M., Greenstone I., Lasserson T.J. (2010) Addition of long-acting beta2-agonists to inhaled steroids versus higher dose inhaled steroids in adults and children with persistent asthma. *Cochrane Database Syst Rev.*, vol. 14 (4).
16. Lommatzsch, Marek et al. A2BCD: a concise guide for asthma management. *The Lancet Respiratory Medicine*, Volume 0, Issue 0. Published online. January 27, 2023 DOI:[https://doi.org/10.1016/S2213-2600\(22\)00490-8](https://doi.org/10.1016/S2213-2600(22)00490-8)
17. Global burden of 369 diseases and injuries in 204 countries and territories, 1990-2019: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2019. *Lancet*. 2020;396(10258):1204-22 <https://www.thelancet.com/gbd/summaries>.
18. Assessing national capacity for the prevention and control of noncommunicable diseases: report of the 2019 global survey. Geneva: World Health Organization; 2020. Licence: CC BY-NC-SA 3.0 IGO <https://www.who.int/teams/ncds/surveillance/monitoring-capacity/ncdccs>

Наврузов Рустам Рашидович
Бухоро давлат тиббиёт институти
“Радиология” кафедраси доценти, PhD

Яҳёева Гулчеҳра Мусоевна
Бухоро давлат тиббиёт институти
“Радиология” кафедраси магистри

НУР ТАШХИС УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА СОН-ЧАНОҚ БЎҒИМИ ОСТЕОНЕКРОЗИНИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРДА ТАШХИСЛАШ: ИМКОНИАТЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

Аннотация. Сон-чаноқ бўғими остеонекрозини эрта преколлаптик босқичларида ташхислаш даволаш тактикасини аниқлаш ва касалликнинг прогнозини аниқлаш учун жуда муҳимдир. Кўпгина ҳолларда, ташхис фақат даволаш усули эндопротезлаш бўлган босқичдагина аниқланади. Ушбу мақолада рентгенография, магнит-резонанс томография ва рентген-компьютер томографияси ёрдамида катталарда сон-чаноқ бўғими остеонекрозини эрта ташхислашнинг замонавий ёндашувлари кўрсатилган ҳамда радиологик диагностика усуллари афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинади, беморларнинг ушбу тоифаси учун магнит-резонанс томография протоколи тавсифланади. Ушбу мақолада Бухоро вилоят шифохонасида текширувдан ўтган 52 беморнинг инструментал текширувлари маълумотларини таҳлил қилиш асосида рентгенографик "билярд тўпи симптоми" тасвирланган бўлиб, ушбу нур ташхис усуллари берадиган маълумотлардан фойдаланган ҳолда остеонекрозини эрта босқичларда аниқлашга имкон беради. Мақолада таклиф қилинган тавсиялар, ўз вақтида даволашни бошлаш мақсадида, эрта босқичларда сон-чаноқ бўғими остеонекрозини ташхислаш учун амалий ишда қўлланилиши мумкин.

Калит сўзлар: сон-чаноқ бўғими остеонекрози, диагностика, рентгенография, магнит-резонанс томография, компьютер томографияси.

Navruzov Rustam Rashidovich
Bukhara State Medical Institute,
Teacher of "Radiology" department, Ph.D

Yahyoyeva Gulchehra Musayevna
Masters Student of the Department
of "Radiology" of the Bukhara State Medical Institute

DIAGNOSING OSTEONECROSE OF THE HIP JOINT IN THE EARLY STAGES USING LIGHT DIAGNOSTIC METHODS: OPPORTUNITIES AND DISADVANTAGES

Abstract. Diagnosing osteonecrosis of hip-pelvic joint in the early precollapsing stages is very important for determining tactics and determining the prognosis of the disease. In most cases, the diagnosis is determined only at the stage when the method of treatment is endoprosthesis. This article presents modern approaches to early diagnosis of osteonecrosis of the hip joint in adults using radiography, magnetic resonance imaging, and X-ray computed tomography, and analyzes the advantages and disadvantages of radiological diagnostic methods, magnetic resonance imaging protocol for this category of patients. is described. Based on the analysis of the instrumental examination data of 52 patients, the radiographic "billiard ball symptom" is described, which allows to detect osteonecrosis in the early stages using the information provided by the radiological diagnostic methods. The recommendations proposed in the article, timely treatment for the purpose of starting, it can be used in practical work to diagnose osteonecrosis of the hip joint in the early stages.

Key words: osteonecrosis of the hip joint, diagnosis, radiography, magnetic resonance imaging, computer tomography.

Наврузов Рустам Рашидович
Доцент кафедры радиологии
Бухарского государственного
медицинского института, PhD

Яхёева Гулчехра Мусоевна
Магистр кафедры радиологии
Бухарского государственного
медицинского института

ВЫЯВЛЕНИЕ ОСТЕОНЕКРОЗА ТАЗОБЕДРЕННОГО СУСТАВА НА РАННИХ СТАДИЯХ С ПОМОЩЬЮ РАДИОЛОГИЧЕСКИМИ МЕТОДАМИ: ВОЗМОЖНОСТИ И НЕДОСТАТКИ

Аннотация. Диагностика остеонекроза тазобедренного сустава на ранних предколлапсных стадиях имеет большое значение для определения тактики лечения и определения прогноза заболевания. В большинстве случаев диагноз устанавливается только на этапе, когда методом лечения является эндопротезирование. В статье представлены современные подходы к ранней диагностике остеонекроза тазобедренного сустава у взрослых с использованием рентгенографии, магнитно-резонансной томографии и рентгеновской компьютерной томографии, а также проанализированы преимущества и недостатки лучевых методов диагностики, протокола магнитно-резонансной томографии для данной категории пациентов описано. На основе анализа данных инструментального обследования 52 больных описан рентгенологический «симптом бильярдного шара», позволяющий выявить остеонекроз на ранних стадиях, используя информацию, предоставляемую лучевыми методами диагностики. Предложенные в статье рекомендации своевременны. Лечение с целью начала лечения может быть использовано в практической работе для диагностики остеонекроза тазобедренного сустава на ранних стадиях.

Ключевые слова: остеонекроз тазобедренного сустава, диагностика, рентгенография, магнитно-резонансная томография, компьютерная томография.

DOI: <https://doi.org/10.47390/MEDV1I1Y2023N02>


Кириш. Сон-чаноқ бўғими остеонекрози - бу дегенератив-деструктив касаллик бўлиб , 25-55 ёшдаги ёшларга учрайдиган ва кейинчалик тез прогрессив ривожланиб ногиронликка олиб келадиган сон-чаноқ бўғими патологиясининг оғир шакли; кўп ҳолларда жараённинг икки томонлама локализацияси характерлидир [2, 12, 13]. Остеонекрознинг бошланиши, охир-оқибат, фемур бошининг юк кўтарувчи қисмининг емирилишига, тоғай зарарланишига, ацетабулумнинг иккиламчи шикастланишига ва коксартрознинг ривожланишига олиб келади. Сон-чаноқ бўғими остеонекрозини даволаш усулини танлаш, биринчи навбатда, касалликнинг босқичига, остеонекрознинг тарқалишига ва ташхис қўйиш вақтидаги клиник кўринишга боғлиқ [1, 5]. Шунинг учун ҳар қандай даволаш усули - консерватив ёки жарроҳлик бўлишидан қатъий назар касалликнинг эрта ташхиси муваффақиятининг калитидир. Сўнгги 5-7 йил ичида артропластика пайтида сон-чаноқ бўғими касалликларининг тузилишини баҳолаб, 30-45 ёшдаги ёшлар орасида ёшаришни ва ушбу патология билан касалланишнинг кўпайиши кузатилди. Беморларнинг амбулатория ёрдами даражасида дастлабки ташрифи пайтида ташхис қўйиш хусусиятларини таҳлил қилиб, бугунги кунда касалликнинг дастлабки босқичларида фемур боши некрозини эрта ташхислаш муаммоси ҳал этилмаган муаммо эканлигини таъкидлаш мумкин. Беморлар амбулатория шароитида бўлса, кўпинча диагностик хатоларга йўл қўйилади, касаллик

бел умуртқаси остеохондрозининг намоён бўлиши сифатида қабул қилинади ёки пай ва бойламлар патологияси сифатида қабул қилинади ва беморнинг шикоятлари жиддий эътиборга олинмайди. Бундай беморлар клиникаларнинг ревматология, терапевтик, неврология бўлимларида самарасиз даволанади ёки умуман тўғри даволанмайди. Муваффақиятсиз консерватив терапия натижасида бир неча йил давомида касаллик ривожланиб боради ва даволашнинг ягона усули артропластика бўлган босқичдагина аниқланади.

Сон-чаноқ бўғими остеонекрози билан касалланиш даражаси сўнгги йилларда жадал суратларда ошиб бораётганлиги сабабли бу мавзудаги тадқиқотларни қўйидагича ўрганиш мақсадга мувофиқдир: Фемур бошида содир бўлган ўзгаришларнинг табиати тўлиқ ўрганилмаган, аммо касалликнинг травматик этиологияси шубҳасиздир. Келиб чиқишига кўра травматик бўлмаган ёки аваскуляр назариялар қон айланиши етишмовчилиги (шу жумладан атипик вариантлар) чуқур феморал артерия шохларининг топографик-анатомик жойлашуви устида Расулов Р.М., 2004 йилда изланиш олиб борган. Ахтамов И.Ф ва ҳаммуалифлар сон-чаноқ бўғими остеонекрозини замонавий ташхис усуллари 2014 йилда ўрганишган. Сон-чаноқ бўғими аваскуляр некрозини клиник кечиши ва диагностикасини Барскова ва бошқалар 2013-йилда ўзганишган. (Современная ревматология. – 2013. – № 2. – С. 32–36.) Сон-чаноқ бўғими остеонекрози патоморфологиясини М. Т. Мохаммади, Л. А. Пашкевич, О. Л.Эйсмонт биргаликда ўрганишган.(Международный научно-практический журнал «Хирургия восточная Европа». Приложение. – 2017. – С. 148–156.) Ж.Белтран ва бошқалар ушбу касалликнинг эрта клиник босқичларда магнит резонанс томография , радионуклид ва гистологик текшириш усуллари таққослаб ўрганишган.(Med. J. (Engl.). – 1998. – Vol. 111(7). – P. 599-602.). Карантанас А Н ва ҳаммуалифлар ушбу касалликни эрта ташхислашда Магнит -резонанс томографиянинг аҳамиятини ўрганишган(Semin. Musculoskelet. Radiol. – 2011. – Vol. 15(3). – P. 281–300). М.А.Монт ва ҳаммуалифлар биргаликда келиб чиқиши нотравматик бўлган сон-чаноқ бўғими остеонекрозини ўрганишган(J. Bone Joint. Surg. Am. – 2006. – Vol. 88. – P. 1117–32). G. S. Huang [et al.] ушбу касалликда суяк кўмиги шишини Магнит -резонанс томография текшируви ёрдамида тавсифлаган(Am. J. Roentgenol. – 2003. –Vol. 181(2). – P. 545–549). Сўнгги йилларда радиологик диагностика имкониятларини кенгайтириш беморларни эрта текширишда сезиларли ютуқларга эришишга имкон берди сон-чаноқ бўғими остеонекрози ривожланиш босқичлари, шу жумладан, бунинг шубҳали бирламчи касалликлар ва Магнит резонанснинг сезувчанлиги ва ўзига хослигини Боҳндорф К. ва бошқалар,2015 йилларда изланишлар олиб боришган. Ушбу текширув касалликнинг дифференциал диагностикасида 98% ни ташкил қилади, бу дастлабки босқичда патологик жараённи аниқлашга имкон беради (1- босқич), рентгенологик усуллар эса кўпинча 2- 3- босқичларда касалликни аниқлашда аҳамиятга эга (АРСО, Фисат ва Арлет халқаро таснифларига кўра).

Тадқиқот методологияси. Касалликнинг турли босқичларида сон-чаноқ бўғими остеонекрозини текширишда радиологик усуллариининг диагностик мезонларини тавсифлашдан иборат.

Натижалар ва муҳокама. Сон-чаноқ бўғими остеонекрози ташхисида МРТ 100% ўзига хослик ва 88,8% сезгирликка эга [9]. Бу усул суяк кўмиги конверсияси жараёнини суяк ичи шишидан фарқлаш имконини беради [14].




Расм 1. Фемур бошини зарарланиш ҳажмига қараб деструкция турлари

МРТдан олинган маълумотларни тизимлаштириш учун остеонекроз босқичларига кўра, бўғимнинг визуал хусусиятларини баҳоланди. Ушбу касалликда қўлланиладиган АРСО таснифи касалликнинг 5 босқичини ўз ичига олади. 1 ва 2-босқичлар 3 турга бўлинади: А (деструкция фемур бошининг <15%), В (15-30%) ва С (>30%) (1-расм). Сон суяги бошининг коллапси мавжудлиги билан тавсифланган 3-босқич юқори қутбнинг артикуляр юзасининг деструкция даражасига қараб турларга бўлинади: А (<2 мм), В (2-4 мм), С (>4 мм).) (2-расм).

0-босқич (клиникгача). Бу асимптоматик кечиши билан тавсифланади, рентген, МРТ, рентгенограммада ўзгаришлар йўқ. Назарий жиҳатдан, ташхисни фақат гистологик йўл билан аниқлаш мумкин [7], шунинг учун беморда бир томонлама жараён бўлса, иккала сон бўғимларининг динамик МРТсини ўтказиш тавсия этилади (3-расм)

1- босқич –(рентгеннегатив). Бу клиник кўринишларнинг мавжудлиги билан тавсифланади (о'ққа тушадиган юкламада ва тинч ҳолатда бўғимдаги оғриқ, соннинг айланма ҳаракатларида, тизза бўғимига оғриқнинг тарқалиши), турли даражада намоён бўлади. Рентген ва рентген КТ текширувларида патологик ўзгаришлар аниқланмайди. Ушбу босқичда остеонекроз ташхисини қўйишнинг энг ўзига хос усули бу суяк ко'миги шиши (СКШ) соҳасини тавсифловчи фемур бошидаги патологик ўзгаришларни кўриш имконини берувчи МРТ сезгир усул ҳисобланади (хорижий адабиётда "Суяк ко'миги шиши" деб аталади) БМЕ") [16]. Суяк ко'миги шиши локализацияси субхондрал бўлиши мумкин, бошнинг бир қисмини ёки бутун бошни эгаллаб, бўйин ва фемурнинг интертрокантерик қисмига тарқалади. МРТ бу ўзгаришларни Т1 режимида сигнал интенсивлигининг пасайиши ва Т2 ва СТІР режимларида сигналнинг кучайиши сифатида тасвирлайди (4-расм)




Расм 2. Сон суяги бош қисми


зарарланишининг катталигига қараб деструкция турлари

2- босқич - рентгенпозитив. Юқоридаги клиник кўринишларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Рентген нурлари остеосклероз, остеолиз ёки маҳаллий

остеопорозга хос бўлган ўзгаришларни аниқлаши мумкин. Остеонекрознинг ушбу босқичининг ўзига хос хусусияти фемур бошининг шарсимонлигини сақлаб қолишдир (5-расм, А, Б). МРТнинг остеонекрозга нисбатан юқори сезувчанлиги ва ўзига хослиги турли тўқималар зичлиги (водород билан тўйинганлиги) бўлган суяк кўмиги тузилмаларидан ўтадиган сигналларнинг турли интенсивлиги, уларнинг магнит хусусиятларини ўзгартириши билан боғлиқ [15]. Фемур бошидаги сигналлар интенсивлигининг ўзгаришининг сабаби Sweet ва Мадвелл томонидан тасвирланган остеонекрозда фемур бошнинг гистологик зоналаридир [3, 17]. Бир нечта гистологик зоналар ажратилди: артикуляр тоғай зонаси, субхондрал суяк пластинкаси, периферик (субкортикал) суяк, некроз зонаси, марказий шимгичли суяк ва соғлом суяк зонаси. Сончаноқ бўғими остеонекрози учун патогномоник белгилар Митчелл томонидан тасвирланган бўлиб некротик ва соғлом суяк ўртасидаги чегарада аниқланган "икки чизиқ" МРТ белгиси ҳисобланади [8]. T2 ёки СТИР проекцияларидаги қўш чизиқнинг ташқи банди қисқартирилган сигнал (демаркация зонаси) билан ифодаланади. Ички чизиқ (грануляция тўқимаси) ишемик зонани акс эттиради ва юқори интенсивликдаги сигнал билан ифодаланади (таъмирлаш зонаси, 6-расм)



Расм 3. Бемор Ч.нинг сон бўғимининг рентгенограммаси ва МР томограммаси, 21 ёш. Патологик ўзгаришларнинг йўқлиги: А, Б - р-гр тўғридан-тўғри проекцияда ва Лауенштейн бўйича С - СТИР кор, Д - СТИР ах, Э - T2 кор, Э - T2 ах МРТда ҳам патологик жараён йўқ (бу босқичда ўзгаришлар фақат гистологик текширувда намоён бўлади)




4-расм. Чап сон суяги боши остеонокроз билан оғриган 52 ёшли бемор Г.нинг сон бўғимларининг МР томограммаси: А – Т1 кор, Б – Т2 кор, В – СТИР кор, Г – СТИР ; суяк кўмиги шиши майдони ўқлар билан белгиланган.

МРТ маълумотларидан фойдаланиб, фемур бошининг шикастланиш ҳажмини баҳоланди.Баҳолаш Кербул (1974) томонидан таклиф қилинган тизимга мувофиқ амалга оширилди ва Коо томонидан МРТни амалда қўллаш бошланганидан кейин ўзгартирилди [11, 18] Лезённинг ўлчамини ҳисоблаш учун олд-орқа бурчакни (ўрта коронал сканерда) ва латерал бурчакни (ўрта сагиттал сканерда) ўлчанди. Ҳисобланган бурчаклар марказдан чўзилган чизиқлар билан шакллантирилди.сон суяги бошини некроз зонаси субхондрал суяк билан кесишган нуқталарга йўналтирилади. Зарон ёйининг умумий ҳажми миқдорий жиҳатдан икки бурчакнинг арифметик йиғиндиси билан аниқланади (7-расм). Касаллик прогнози бу кўрсаткичнинг умумий қиймати 240° дан юқори бўлганидан кўра, 190° бўлса анча ижобий ҳисобланади.

3- босқич - коллапс босқичи. Некрознинг ташқи қисмида сон суяги бошининг синиши пайдо бўлиши билан тавсифланади. Клиник жиҳатдан бу босқич кузатилган беморларда оғриқ синдромининг кучайиши ва аксинча, унинг тушиши ва бўғимдаги

ҳаракатлар пайтида суб'ектив "хириллаш" ҳисси пайдо бўлиши билан тавсифланади.




5-расм. Фемур боши 2-даражали остеонекроз билан оғриган 31 ёшли бемор О.нинг рентгенограммаси ва МРТси: А, Б - тўғридан-тўғри проексидаги рентген ва Лауенштейн бўйича: бошнинг шарсимонлиги сақланиб қолган, зоналар. марказий қисмнинг остеосклерози ва остеолизи ўқ билан кўрсатилган, Б - T1сор, Д - T2 кор, Э - СТИР кор: некроз зонаси ва соғлом суяк чегараси, Э - T2 болта, Г- СТИР : суяк ко'миги шиши мавжуд бўлиб , тоғай ва субхондрал суяк зарар кўрмаган.



Расм 6. Бемор М.нинг МРТси, 28 ёш, сон суяги боши 2-даражали остеонекроз, "икки чизиқ" белгиси: А – T1сор, Б – T2 кор, С – Стир-кор: қора стрелка – тузатиш зонаси, оқ стрелка - демаркация зонаси.


Рентгенограммада характерли эрта кўриниш "ярим ой белгиси" (кўкрак остидаги тозаланиш чизиғи) эди ярим ой шаклида фемур бошининг кортикал зонаси, субхондрал коллапс)




7-расм. Бемор Я.нинг сон бўғимининг МРТ текшируви, 45 ёш, сон суяги боши лезёнининг умумий ёйи 230° : А – Т2 кор, антеропостериор бурчак 110° , Б – Т2 саркма, латерал бурчак 120° ни ташкил этган.


Фемур боши контурининг концентриклиги йўқолиши бу 3- босқич бўлиб рентгенограммада остеонекрознинг характерли белгисидир. Таққослаш учун иккала сон бўғимларининг Лауенштейн рентгенограммаси энг кўп маълумот берадиган усулдир. Концентриклигини йўқотмаган фемур боши иккала проекцияда ҳам рентгенограммада шар ёки бильярд тўпи каби кўринади (мусбат "бильярд тўпи симптоми"). Агар сон суяги бошининг юклама тушадиган қисми зарарланган бўлса, унинг контури текисланади ва марказ фемур бошининг ўртасида жойлашган шарни тасвирлайдиган чизиқ бошнинг проксимал тоғайи юзасидан ўтади, иккинчисига тўғри келмайди (салбий "бильярд тўпи симптоми"). Бош контурининг шарсимонлигини тўлиқ қиёсий ўрганиш рентгенограмманинг сифати "ярим ой белгисини" аниқлашга имкон бермайдиган ва МРТ ёки КТни ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолатларда ҳам сон-чаноқ бўғими остеонекрози ташхисини қўйишда ёрдам беради (9, 10-расм).

Расм 8.Бемор Б., 34 ёш. Икки томонлама сон-чаноқ бўғими остеонекрози 3-босқичи: А, Б – фемур боши бўғим юзаси зонасида ва марказий қисмининг остеолизи мавдудлиги, латерал проекцияларда бошларнинг шарсимонлиги бузилган, “ярим ой белгиси.” (стрелка билан кўрсатилган); Б - ўнгдаги ўқ билан кўрсатилган чизиқ субхондрал суякнинг синганлигини кўрсатади; В – компьютер томографиясининг ўнг томонида "ярим ой белгиси" мавжуд (ўқ билан кўрсатилган);Г - T2 кор, Д- T2 : тоғай ва субхондрал суякнинг деформацияси, кўш чизиқли симптом; Е – СТИР кор, Ж,З – СТИР : суяк кўмиги шиши, синовит; К - ўнгдаги фемур суяги бошчасида суяк кўмиги шиши; И - фемур бошини аксиал текисликда кесиш: стрелка субхондрал суякнинг некроз зонасидан ажралишини кўрсатади - "ярим ой белгиси" нинг намоён бўлиши.






Расм 9.Бемор Б., 34,Сон-чаноқ бўғими остеонекрози 3- босқичи : тўғридан-тўғри (А) ва латерал проекцияларда (Б) фемур бошининг шарсимонлиги бузилиши.



10-расм.Иккала сон суяги бошлари остеонекроз билан касалланган 41 ёшли бемор К.нинг сон-чаноқ бўғимларининг рентген ва МР томограммалари: ўнгда 2-даражали, чапда 3-босқич: А, Б - рентгенография -ўнг томон патологиясиз , чапда некроз 3-босқич; - В, Г, Д- 2 : суяк ко'мгининг маҳаллий шишиши; Е- T1-"Салбий билярд тўпи" симптоми



Расм 11.Беморнинг МРТ . Сон-чаноқ бўғимининг синовити сон-чаноқ бўғими остеонекрози 2- босқичи, синовит, бурсит: А - Стир кор, Б - Стир ах, В - Т2 кор, Г- Т2 ах: синовит (ўқ билан кўрсатилган), фемур боши ўзгармаган.

Ортиқча миқдордаги интраартикуляр суюқлик (синовит) одатда сўн-чаноқ бўғими остеонекрози билан бирга келади ва унинг даражаси остеонекроз босқичига, сон суяги бошчаси синиши ҳамда суяк ко'миги шишишига боғлиқ . Бир қатор беморларда синовит ва интраартикуляр патологияни аниқлашнинг ягонаусули МРТ Т1 ва холециол Т1 режимлари ҳисобланади (11-расм).

Хулоса. Касалликнинг эрта яъни 1-рентгеннегатив босқичда Магнит -резонанс томография усули ёрдамида суяк кўмиги шишини аниқлаш имкони мавжуд бўлиб, бу ушбу усулни сон-чаноқ бўғими остеонекрозини эрта босқичларда аниқлашга имкон яратувчи ягона сезгир усул эканлигини тасдиқлайди. Ҳамда касалликнинг биринчи босқичда аниқланиши консерватив даво билан тўлиқ тузалишни таъминлайди ,бу эса ўз навбатида беморларнинг даволаниши учун сарфланган маблағни ва беморларнинг касалхонада даволаниш муддатини қисқартиради.

Амилаза 104,3 % гача, Мочевина 108% гача, Креатинин 109% гача норма атрофида ошиб боришини кузатдик.

Яллиғланиш маркери СРО 41,93 мг/л дан 7,54 мг/лгача пасайиб борди.

Липид кўрсаткичларидан максимал даражада 111%, Триглицерид 115% га ошиб, қайта пасайиб борган. Бундай ҳолат беморларда олиб борилган даво муолажаларнинг самарасини кўрсатади.

Вирусга қарши ишлатилган терапия пайтида беморларнинг жигар биокимёвий кўрсаткичлари динамикаси.

Биз жигар ва ўт йўлларида медикаментоз давонинг таъсирини ўрганиш учун, вирусга қарши ишлатилган дориларнинг турига қараб, истеъмол қилганлигини инобатга олган ҳолда беморларни 3 гуруҳга бўлдик:

- Гуруҳ 1 (n=39), Фавировир таблеткасини;
- Гуруҳ 2 (n=63), Ремдессивир инъекциясини;

- Гуруҳ (n=8), Фавировир+Ремдесивир комбинациясини олди.

Беморларда жигар ферментлари даражаси ҳар 3 кунда даволаш стандартига мувофиқ назорат қилинди.

4-Жадвал

Вирусга қарши қўлланилган дори препаратлари пайтида жигар маркёрларининг ўзгариш динамикаси

	Кўрсаткичлар	1 кун	4 кун	Вилкоксон критерийси		7 кун	Вилкоксон критерийси	
		M± m	M± m	Z	P	M± m	Z	P
Фавипировир	АЛТ	35,00± 3,72	132,41 ± 15,51*	-5,268	0,000	128,33 ± 28,22	-0,105	0,917
	АСТ	28,26 ± 2,54	78,36 ± 9,64*	-4,969	0,000	53,33 ± 13,82	-,314 ^c	0,753
Ремсидивир	АЛТ	48,51 ± 4,42	82,48 ± 6,40*	-4,091	0,000	111,13 ± 39,72	-0,785	0,433
	АСТ	42,18 ± 3,93	55,23 ± 4,55*	-2,072	0,038	70,47 ± 26,10	-0,408	0,683
Фавип+ ремси...	АЛТ	48,14 ± 12,58	116,29 ± 38,53	-0,845	0,398	115,60 ± 28,21	-0,405	0,686
	АСТ	49,67 ± 12,85	82,57 ± 20,39	-0,314	0,753	61,40 ± 4,52	-0,405	0,686

*-1 ва 4 кундаги АЛТ ва АСТ натижалари статистик аҳамиятга эга (p>0,05).

Фавировир ва ремсидивир қабул қилган беморларнинг 1 ва 4 кундаги АЛТ ва АСТ натижалари статистик аҳамиятга эга (p>0,05).

Фавировирда даволаниш давомида максимал натижа 4 кунда кузатилиб, 1 кун билан 4 кунга нисбатан АЛТ 3,7 марта ва АСТ 2,7 мартага, Ремсидивирда даволаниш давомида энг юқори кўрсаткич 7 кунда кузатилиб, 1 кун билан 7 кунга нисбатан АЛТ 2,3 марта ва АСТ 1,6 мартага, Фавировир ва Ремсидивирни бирга олганларда даволаниш давомида максимал натижа 4 кунда кузатилиб, 1 кун билан 4 кунга нисбатан АЛТ 2,4 марта ва АСТ 1,7 мартага ошганига гувоҳ бўлдик.

Тадқиқотимизда беморларда қўлланилган дори препаратларнинг гепатотоксик эффект кўрсатганини бир неча критерийлар тасдиқлайди, улар коэффицент Ритисон (норма 0,91-1) бизнинг беморларда 0,75 бўлиб бу унинг гепатотоксик гепатига хослигини

билдиради. Шу ўринда қон биокимёвийли таҳлилда АЛТ (62,6%) нинг АСТ (42%) дан нисбатан баландлиги, ИФ 1,1%, ГГТП 16,6% , ЛДГ12% нинг норма чегарасида ошиб пасайиши гепатотоксик таъсирга ишора қилади.

Яллиғланиш маркёрининг СРО даволаниш жараёнида пасайишига ва Жигар маркёрларидан АЛТ, АСТ унга тескари ошиб бориши яна бир карра вирусга қарши қўлланилган дориларнинг токсик таъсирни исботлаб беради.

Хулоса. Беморларнинг динамикадаги биокимёвий қон таҳлилида вирусга қарши қўлланилган дори препаратлари натижасида жигар зарарланишига хос ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

1. Кўрсаткичлардан асосан АЛТ ва АСТ нинг кўпроқ ошгани маълум бўлди.

2. Ремсидивирга нисбатан фавипиравирда гепатотоксиклик хусусияти кўпроқ намоён бўлди.

3. Дори препаратлари курси тугашида, ферментларнинг секинлик билан пасайишини кузатдик.

Демак даволаниш курсидан сўнг, беморларга жигар функциясини тикловчи препаратлар тавсия этиш шарт.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Desai MK. Pharmacovigilance and assessment of drug safety reports during COVID 19. *Perspect Clin Res.* 2020;11(3):128. DOI:10.4103/picr.PICR_171_20
2. Singh TU, Parida S, Lingaraju MC, et al. Drug repurposing approach to fight COVID-19. *Pharmacol Rep.* 2020;72:1479-508. DOI:10.1007/s43440-020-00155-6
3. World Health Organization. Rolling updates on coronavirus disease (COVID-19)(Updated18April2020). <https://www.who.int/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/events-as-they-happen>. Accessed Apr 21, 2020.

Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна
Тошкент тиббиёт академияси,
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нишонбоева Нилуфар Юнусджонова
Тошкент тиббиёт академияси, ўқитувчи

БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТДА ПСИХОСОМАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ

Аннотация. Атопик дерматит (АтД) атопия туфайли келиб чиққан наслий, иммунонейроаллергик, терининг сурункали, қайталанувчи яллиғланишли касаллиги бўлиб, кучли қичишиш, терининг симпатэргик реакцияси (оқ дермографизм), асосан эритематоз-лихеноидли тошмалар тошиши, атопиянинг бошқа белгилари билан биргаликда намоён бўлади.

Калит сўзлар: атопик дерматит, сурункали қичишишли дерматозлар, депрессия, кўрқув ва агрессивлик, психодерматологик бузилишларнинг тизими, беморларнинг ҳаёт сифати.

Mirrakhimova Maktuba Khabibullaevna
Tashkent Medical Academy,
Doctor of Medical Sciences, Professor

Nishonboeva Nilufar Yunusdzhovna
Tashkent Medical Academy, Teacher

DEFINITION AND ASSESSMENT OF PSYCHOSOMATIC CHANGES IN ATOPIC DERMATITIS IN CHILDREN

Abstract. Atopic dermatitis (AtD) is a hereditary, immunoneuroallergic, chronic recurrent inflammatory skin disease caused by atopy, manifested by intense itching, sympathetic skin reaction (white dermographism), mainly erythematous—lichenoid rashes, in combination with other signs of atopy.

Keywords: atopic dermatitis, chronic itchy dermatoses, depression, tension, anxiety and aggressiveness, systematics of psychodermatological disorders, quality of life of patients.

Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна
Ташкентская Медицинская Академия,
Доктор медицинских наук, профессор

Нишонбоева Нилуфар Юнусджонова
Ташкентская медицинская академия,
преподаватель

ОПРЕДЕЛЕНИЕ И ОЦЕНКА ПСИХОСОМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ ПРИ АТОПИЧЕСКОМ ДЕРМАТИТЕ У ДЕТЕЙ

Аннотация. Атопический дерматит (АтД) — наследственное, иммунонейроаллергическое, хроническое рецидивирующее воспалительное заболевание кожи, обусловленное атопией, проявляющееся интенсивным зудом, симпатэргической реакцией кожи (белым дермографизмом), преимущественно эритематозно-лихеноидными высыпаниями, в сочетании с другими признаками атопии.

Ключевые слова: атопический дерматит, хронические зудящие дерматозы, депрессия, напряженность, тревога и агрессивность, систематика психодерматологических расстройств, качество жизни больных.

DOI: <https://doi.org/10.47390/MEDV111Y2023N07>

Боларадаги атопик дерматитлар аллергия туфайли келиб чиқадиган ирсий, иммунонейроаллергик, терида сурункали кечувчи, рецидивланувчи яллиғланишли касаллик бўлиб, кучли қичишиш, терининг симпатэргик реакцияси билан кечувчи эритематоз, лихеноидли ўзгаришлар билан кузатилувчи касаллик.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, АД кўпинча психоген таъсирлардан кейин зўриқади ва кўпинча руҳий бузилишлар билан бирга келади [12, 13, 15]. Шундай қилиб, АД ва депрессив касалликларнинг ассоциацияси муҳокама қилинган дерматоз ва аффектив патологиянинг коморбидлигини ўрганишда ўрнатилган. М.М.Тлиш томонидан ўтказилган когорт тадқиқотида кўра, АД билан оғриган беморларнинг 30% ҳаётлари давомида депрессия эпизодларига эга бўлган [14], бу умумий аҳолига қараганда сезиларли даражада юқори (5% дан 10% гача) [16]. Бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида, депрессия АД билан оғриган беморларнинг 23-80% да аниқланган [1, 5, 11, 12, 14]. Ўрганилаётган беморларнинг деярли ярмида ҳавотир бузилишлари ва АД нинг коморбидлиги қайд этилган [6, 17]. “Атопия” нинг психологик профили депрессия, зўриқиш, ҳавотир ва тажовузкорлик билан тавсифланганлиги ҳақида далиллар мавжуд [15, 18, 13]. Шу билан бирга, руҳий касалликларнинг тез-тез ривожланиши, одатда, тери касаллигининг табиати (сурункали кечиши, интенсивлиги, шу жумладан тунги қичишиш ва терининг кўринадиган жойларида тошмаларнинг жойлашуви) билан изоҳланади. Шу билан бирга, АД билан оғриган беморларда ўтказилган психосоматик тадқиқотлар асосан шакллантирилган психометрик диагностика усуллари ёки психологик маслаҳатлардан фойдаланишга асосланган бўлиб, ҳақиқий нозоген руҳий оғишлар улушини ва АДдан қатъий назар ривожланган касалликлар улушини баҳолашга имкон бермайди. Сўнгги йилларда психодерматологик бузилишларнинг тизими яратилди. Ушбу таснифга кўра, АД бир томондан, психосоматик касалликлар гуруҳига киради, иккинчи томондан, сурункали дерматоз сифатида ноаниқ реакциялар ва патологик ривожланишлар шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, ушбу позицияларда АДдаги руҳий касалликларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Ушбу **тадқиқотнинг мақсади** болалардаги атопик дерматитда психосоматик ўзгаришларни комплекс ўрганиш ва бу маълумотларни тери касалликларнинг клиник хусусиятлари, кечишига боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Тадқиқот материални 97 нафар беморлар ташкил қилди (73 қизлар ва 23 нафар ўғил болалар; ўртача ёш $16,9 \pm 10,2$ ёш бўлди). Тадқиқотга киритиш мезонларига: Ж. М. Ҳанифин ва Г. Ражканинг халқаро ташхисот мезонларига мувофиқ равишда тасдиқланган АД ташхиси [17], тадқиқотга олинган бемор болалар ёшининг 8 - 18 ёш эканлиги. Тадқиқотга киритмаслик мезонлари эса: манифестли шизофреник/шизоаффективли/аффективли психоз кузатилиш, марказий асаб тизимининг органик зарарланиши, деменция ҳолатлари, психотроп воситаларга берилувчанлик, бошқа соматик касалликларининг кучайиш ёки декомпенсация даври.

Тадқиқот кенг қамровли дерматологик ва психопатологик текширувларни аниқлайдиган клиник усуллар ёрдамида бажарилди. Дерматологик текширувлар анамнестик ва клиник кўрсаткичларни таҳлил қилиш, болаларда атопик дерматит

ташхисини тасдиқлашни ўз ичига олди. Барча беморларда теридаги жараённинг оғирлик даражаси ва тарқалганлиги SCORAD индекси (АД бўйича Европа ишчи гуруҳи томонидан тавсия этилган усул) ёрдамида баҳоланилди [12], бунда тошмаларнинг тарқалганлиги, тошмаларнинг табиати (эритема, шишиш, намланиш, эксфолиация, лихенификация, қуруқлик) ва субъектив симптомларнинг яққоллик даражаси – АД сабабли қичишиш, уйқусизлик ҳисобга олинган. Психопатологик текширувлар чегаравий руҳий патология ва психосоматик бузилишларни ўрганиш махсуст тестлар ёрдамида ходимлари томонидан ўтказилди.

Натижалар. Ўтказилган дерматологик текширувда маълум бўлдики, беморларда касаллик ўртача $10,99 \pm 12,04$ йил давом этган. Касалликнинг оғирлик даражаси бўйича беморлар қуйидагича тақсимланди: енгил АД $n=37$ нафар беморларда (38,1%), ўртача оғирлик даражадаги АД — $n=30$ нафар беморларда (31%), оғир — $n=19$ нафар (19,6%) ҳамда ўта оғир — $n=11$ нафар беморларда (11,3%) ташхисланди. Тадқиқотга АД нинг турли хил клиник вариантлари кузатилган беморлар киритилди: $n=72$ (74,2%) та беморларда текширув натижасида АД нинг эритематоз-сквамозли шаклли ташхисланган, $n=17$ (17,5%) — экзематоз, $n=7$ (7,2%) — лихеноидли, $n=1$ (1,1%) — пруригсимон шакли аниқланган. Беморларнинг орасидан $n=37$ тасида (38,1%) тери касаллиги текширув вақтида сурункали, 60 (61,9%) тада эса АД зўриқиш даври бўлган.

Психологик текширувда $n=52$ нафар (53,6%) бемор болаларда бир қатор руҳий бузилишлар борлиги аниқланган, ушбу бузилишлар нафақат дерматологик патологиялар (нозоген реакция ва шахснинг ривожланиши) таъсири ҳисобига, балки АД билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам ривожланган. Текширув натижасида нозоген реакциялар, ипохондрик патохарактерологик ривожланишлар, аффектив бузилишлар ва секин кечувчи шизофренияни ўз ичига олган кўплаб руҳий касалликлар аниқланган (бир қатор беморларда бир вақтнинг ўзида бир нечта руҳий касалликлар мавжуд бўлган).

Нозоген реакцияларнинг клиник хусусиятларини олдиндан айтиб, шуни таъкидлаш керакки, АД билан оғирган беморларда уларнинг манифестацияси нафақат тери касаллигининг кечиши (кўпинча бемор учун аниқ сабабсиз касалликни зўриқиши, кўринадиган жойларда тошмаларни жойлашуви), аҳолида тери касалликларининг юқумлилиги ҳақидаги фикрлари билан белгиланади, шунингдек, патологик реакцияларнинг шаклланишига мойилликка жавобгар бўлган ва назогеннинг симптомларига сезиларли таъсир кўрсатадиган конституционал аномалиялар (шахснинг бузилиши) билан ҳам боғлиқ:

Сенситив ноэктоген реакцияларнинг шаклланишида ($n = 12$, 12,4%) АД томонидан кузатиладиган косметик нуқсон билан боғлиқ ижтимоий фобия ҳодисалари устунлик қилади, тери касаллиги билан боғлиқ жисмоний дискомфортлар эса беморларга сезиларсиз даражада таъсир қилади. Ижтимоий фобия бошқаларнинг салбий муносабатидан, асосан норозилик ва тананинг кўринадиган жойларига тошмаларни тошиши туфайли бошқаларни инфекция юқишидан қўрқиб уни алоҳидалаштиришидан қўрқиш билан ифодаланади. Патологик қўрқувлар нотўғри ғояларнинг хаёлий даражасига етмаганлиги билан бирга келади: беморларга уларга атрофидагилар (кўчада, транспортда) ачиниш билан қараётгандек ёки беморга тикилиб қарагандек кўринадиган, шу сабабли улар атайлаб ўзларини четга тортадилар ёки

узоқлашадилар, атрофдагилар эса юктиришдан кўрқиб ўзаро пичирлаб беморни муҳокама қилишади, унинг борлигидан норозилик билдиришади ва бошқалар. Беморда ҳукмрон кўрқувга асосланган, патологик қочиш хулқ-атвори шаклланади: одамлар олдига чиқишдан олдин беморлар терисини косметик воситалар билан маскировка қилади, ёпиқ кийимларни танлайдилар ва кўпинча кўпчилик орасида бўлишдан бутунлай воз кечадилар.

Ушбу турдаги беморларнинг преморбид хусусиятлари, АД намоён бўлиш ёшидан қатъий назар, шизоид ва истерик ифодаланади.

Клиник кўринишнинг демографик хусусиятларини баҳолашда биринчи навбатда ўртача ёшни таъкидлаш керак, бу сенситив реакциялар гуруҳида 10.3 ± 12.7 ёшни ташкил этди ва танланмадаги ўртача ёшдан 3 йилга кам бўлди. Беморларнинг ушбу гуруҳининг иккинчи ажралиб турадиган хусусияти SCORAD кўрсаткичи бўлиб, у 34 ± 3.5 ни ташкил этди, ва бу умумий танламанинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлди (40.5 ± 7.07). Дерматологик текширувга кўра, сенситив нозоген реакциялар гуруҳида АД нинг эритематоз-сквамозли шакли устунлик қилди, АДнинг ушбу шакли ўрганилган барча танланмаларда доминант бўлди (фақат битта беморда экзематоз шакл бўлди). Ушбу маълумотлар сенситив нозоген реакцияларнинг ривожланиши АДнинг нисбатан енгил даражасида бўлган ёш беморларга хос эканлигини кўрсатади. Болаликда кузатилиб, сўнгра узоқ муддатли тўлиқ клиник ремиссия бўлиб, катта бўлганида АД дебюти кузатилган катталарда ташвишли – ипохондрик нозоген реакциялар ($n = 16, 16.5\%$) ривожланди. Касалликни сурункали шаклга ўтишидан, ички органларни зарарланишидан, доимий стационар даволанишдан кўрқиб билан ифодаланган нозофобия белгилари биринчи ўринга чиқади. АДдан тўлиқ тузалишга эришиш мақсадида беморлар такрорий даволанишга, касалхонага ётишга мурожаат қилишади, АДнинг асосий сабабини ва тегишли терапияни аниқлаш учун барча турдаги мавжуд текширувлардан ўтишга интилишади, АД диагностикаси ва даволаш бўйича мавжуд адабиётларни ўрганишади.

Нозоген реакцияларнинг кўриб чиқиладиган турини шакллантиришда иштирок этадиган преморбид шахсият хусусиятлари ташвиш доирасининг конституциявий аномалиялари билан ифодаланади, асосан шахсиятнинг ананкаст бузилиши ва шизоид.

Дерматологик текширув маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, АД билан оғриган беморларда ташвишли-ипохондриал нозоген реакциясининг ўзига хос хусусиятлари, биринчидан, унинг ўртача давомийлиги (7 ± 5.3) бошқа нозоген реакцияларга нисбатан энг қисқа бўлди, иккинчидан, SCORAD бўйича АДнинг оғирлик даражаси (54 ± 19.1) бошқа нозоген реакциялардан фарқли ўлароқ, энг юқори бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, соматик патологиянинг клиник динамикасининг бундай кўрсаткичлари - тез ривожланиш ва симптомларнинг оғир даражаси - анъанавий равишда ташвишли нозоген реакцияларнинг шаклланишига ёрдам берувчи омиллар қаторида ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу турдаги реакциялар билан оғриган беморларнинг ўртача ёши 34 ± 5.1 йилни ташкил этди, бу сенситив нозоген реакциялар билан оғриган беморларга қараганда юқори. Ҳар хил нозоген реакциялар билан оғриган беморлар гуруҳидаги АД хусусиятларини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, АД нинг клиник кечиши, одатда, АДнинг гўдаклик босқичи яқунланганидан сўнг, тошмаларнинг регрессияси, сўнгра тўлиқ ёки деярли тўлиқ клиник ремиссияси,

кейинчалик ўсмирлик вақтига келиб, шахсият бузилишлари динамикаси доирасидаги реакциялар чақирган АДнинг зўриқиши кўринишида тошмаларни қайта пайдо бўлиши билан тавсифланади. Катта ёшдаги беморларда (34 ± 5.1) аниқланган ташвишли-ипохондриал реакциялардан фарқли ўлароқ, сенситив нозоген реакциялар ёшларда (23.3 ± 3.1) кузатилди. SCORAD нинг ўртача кўрсаткичи сенситив реакцияли беморларда энг паст (34) ва ташвишли-ипохондриал нозоген реакциялари бўлган беморларда энг юқори (47) бўлди. Шундай қилиб, маълум нозоген реакцияларнинг ривожланиши ёш, АДнинг оғирлик даражаси, давомийлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо унинг клиник шакли билан боғлиқ эмас.

АД нинг зўриқиш даврини тез-тез кузатиладиган рецидивлар билан кечиши ва тўлиқ клиник ремиссия даврларининг деярли бўлмаслиги ҳолатларида, ипохондриал ривожланиш (ИР) доирасида шахсият бузилишининг преморбид хусусиятлари динамикасининг чуқурроқ ва барқарор белгилари аниқланди.

Клиник таҳлиллар натижасида АДда ИР нинг 4 тури аниқланди: паранойял, аберрант ипохондриал кўринишида, ниқобланган ипохондриал ва невротик ипохондриал.

Паранойял ИР [2] ($n = 3$) тери касаллигини мустақил равишда тўлиқ даволаш имкониятига ишониш билан боғлиқ ихтиро ғоялари билан ифодаланди. Беморлар ўзларини парамедицинали даволаш усуллари ишлаб чиқишга интилишади, баъзида аутодеструктив (соғлиқ учун зарарли ёки хавфли) ҳаракатлар (ўзи тайёрлаган майдаланган тошларни, металл куқунларини ютиш) билан бирга кечди. Ривожланишнинг ушбу тури паранойял доирадаги билан оғирган беморларда шаклланади (кўпинча ўз интилишларини рўёбга чиқариш учун потенциал таҳдид манбалари сифатида қабул қилинадиган бошқаларга нисбатан шубҳа ва ишончсизлик билан биргаликда ҳаддан ташқари баҳоланган ғояларни шакллантириш тенденцияси). Ушбу беморларда тери касалликларининг манифестацияси 10-18 ёшда кузатилади ва оғир кечиш билан тавсифланади. Шахснинг паранойял ривожланиши бўлган барча беморларда тарқалган АД (эритематоз-сквамоз шакл, $n=2$) ёки субфебрил иситма ва лимфаденопатия ($n=1$) билан кечадиган терининг яққол қуриши ва тери қопламанинг кепакланиши билан эритродермия аниқланди. Фақат битта ҳолатда АД психоген таъсир туфайли зўриқди (бемор иш жойини йўқотганидан сўнг).

Аберрант ипохондриал тури бўйича ривожланиш [11] ($n=9$) умумий аҳволнинг оғирлик даражасини етарлича баҳоламаслик (ташхиснинг таҳдидли маъносига нисбатан эмоционал реакциянинг йўқлиги), соматик касалликнинг оғир кечиш эҳтимоли ҳақидаги ғояларни минималлаштириш истаги билан тавсифланади. Тери қоплами патологиясининг белгилари фақатгина меъёрдан озгина оғиш сифатида талқин этилади. Баъзи ҳолларда, бу турдаги ИР нотўғри хатти-ҳаракатлар билан бирга келади, бу кўпинча тиббий ёрдам ва тиббий муолажаларга тўсқинлик қилиш билан намоён бўлади.

Шундай қилиб, олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу гуруҳдаги беморларга адекват психиатрик ёрдам зарурлигидан далолат беради. АД билан бирга кечувчи руҳий бузилишларнинг самарадор давоси психопатологик бузилишларнинг клиник типологиясини ҳисобга олган ҳолда қиёсий ёндашувни талаб қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Балаболкин И. И., Булгакова В. А., Елисеева Т. И. Атопический дерматит у детей. – Издательство "Медицинское информационное агентство", 2018.
2. Белоусова Т., Львов А., Дороженок И. Нозогенные психические расстройства, обусловленные дерматологической патологией //Врач. – 2007. – №. 2. – С. 15-18.
3. Дороженок И. Ю., Львов А. Н. Психические расстройства, провоцируемые хроническими дерматозами: клинический спектр //Вестник дерматологии и венерологии. – 2009. – №. 4. – С. 35-41.
4. Иванов О.Л., Львов А.Н., Миченко А.В. Атопический дерматит: современные представления. Русский медицинский журнал. 2007. №19 (стр. 1362)
5. Иванова И. Н., Антоньев А. А. Психологические аспекты атопического дерматита //Вестник дерматологии и венерологии. – 1991. – Т. 67. – №. 11. – С. 38-42.
6. Касохов Т. Б. и др. Атопический дерматит у детей //Научное обозрение. Медицинские науки. – 2016. – №. 1. – С. 8.
7. Круглова Л. С., Генслер Е. М. Атопический дерматит: новые горизонты терапии //Медицинский алфавит. – 2019. – Т. 1. – №. 7. – С. 29-32.
8. Лусс Л. А. Роль психосоматических расстройств при атопическом дерматите. Возможности коррекции //Доктор. ру. – 2010. – №. 2. – С. 55-58.
9. Мачарадзе Д. Ш. Атопический дерматит: новое в лечении //Вопросы современной педиатрии. – 2013. – Т. 12. – №. 5. – С. 80-85.
10. Миченко А. В. и др. Психосоматические аспекты атопического дерматита: классические каноны и новые представления //Российский журнал кожных и венерических болезней. – 2008. – №. 4. – С. 11-17.
11. Миченко А. В., Львов А. Н. Атопический дерматит: аспекты психосоматических расстройств//Психические расстройства в общей медицине. – 2008. – №. 1. – С. 47.
12. Намазова-Баранова Л. С. и др. Атопический дерматит у детей: современные клинические рекомендации по диагностике и терапии //Вопросы современной педиатрии. – 2016. – Т. 15. – №. 3. – С. 279-294.
13. Смирнова Г. И. Актуальный атопический дерматит: проблемы и перспективы //Российский аллергологический журнал. – 2017. – Т. 14. – №. 4-5. – С. 30-39.
14. Тлиш М. М. и др. Психические расстройства в дерматологии как актуальная междисциплинарная проблема //Клиническая дерматология и венерология. – 2014. – Т. 12. – №. 2. – С. 104-109.
15. Торопова Н. П. Атопический дерматит у детей (к вопросам терминологии, клиническом течении, прогнозе и дифференциации патогенеза) //Педиатрия. Журнал им. ГН Сперанского. – 2003. – Т. 82. – №. 6. – С. 103-107. 29.
16. A.V. Mitschenko, A.N. Lwow, J. Kuepfer, V. Niemeier und U. Geisler. Atopic dermatitis and stress? Wie kommen Gefühle in die Haut? // Der Hautarzt. 2008 Volume 59, Number 4 / April, p. 314-318.
17. Mirrakhimova M.H., Nishanbaeva N.Y., Clinical Manifestations Of Connective Tissue Dysplasia In Children With Glomerulonephritis //Journal of Pharmaceutical Negative Results/Volume 13/Special Issue 9 | 2022,rr.4203-4205.

18. Mirrakhimova M.H. Improving methods of treatment of atopic pathology in children //Journal of Critical Reviews.-№12.-p. 190-192
19. Nishanbayeva N.Yu., Mirrakhimova M.X. Bolalarda atopik dermatitda oshqozon ichak traktidagi klinik laborator o'zgarishlarni aniqlash, tashxislash va davolash tamoyillarini takomillashtirish //«Tibbiyotda yangi kun» 6(38/1)2021 ISSN 2181-712X. EISSN 2181-2187 pp.720-726.
20. Mirrakhimova M.H., Nishanbaeva N.Y., Clinical Manifestations Of Connective Tissue Dysplasia In Children With Glomerulonephritis //Journal of Pharmaceutical Negative Results/Volume 13/Special Issue 9 | 2022,rr.4203-4205
21. Khalmatova Barnoturdixodjayevna.,Mirrakhimova Maktuba Khabibullayevna., Nishonboyeva Nilufar Yunusjanovna// Diagnosis and Therapy Of Pancreatic Dysfunction In Atopic Dermatitis In Children/The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research (ISSN - 2689-1026)/ Published: March31,2021|Pages:132-140Doi: <https://doi.org/10.37547/TAJMSPR/Volume03Issue03-19/pp>
22. Nishanbayeva N.Yu., Mirrakhimova M.X. Bolalarda atopik dermatitda oshqozon ichak traktidagi klinik laborator o'zgarishlarni aniqlash, tashxislash va davolash tamoyillarini takomillashtirish //«Tibbiyotda yangi kun» 6(38/1)2021 ISSN 2181-712X. EISSN 2181-2187 pp.720-726.
23. Nishonboyeva, N.Y, Mirrakhimova, M.K, Ibragimova, S.A /Digestive organs status in children with atopic dermatitis. Journal of Critical Reviews, 2020, 7(5), pp. 678-679
24. Ibragimov, S.A., Mirrakhimova, M., Nishonboyev, N.Y., Abdullaev, B.S./Comorbid course of atopic dermatitis with bronchial asthma in children: Frequency, clinical and allergological characteristics. Journal of Critical Reviews, 2020, 7(17), pp. 2317-2321
25. Mirrakhimova M. Kh, Nishanbaeva N. Yu, Kasimova M. B PSYCHOSOMATIC RELATIONSHIPS IN ATOPIC DERMATITIS.// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers,Impact factor (SJIF) = 6.786//Volume-11| Issue3| 2023,pp. 734-738
26. Mirrakhimova M. Kh, Nishanbaeva N. Yu, Shamsiyeva E.R, Saydaliev A.B//Atopic Dermatitis and Mental Disorders Psychosomatic Relationships//Journal of Coastal Life Medicine. JCLMM 1/11 (2023) //pp.1153-1159

Назарова Нигина Отабек қизи
Тошкент тиббиёт академияси, PhD, ассистент
niginanazarova33@gmail.com
Тел: +998977583390

Жабборов Озимбой Отахонович
Тошкент тиббиёт академияси, DSc, профессор

ЛЮПУС НЕФРИТ БЕМОР ГУРУҲЛАРИДА КЛИНИК ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация. Бугунги кунда тизимли қизил бўрича (ТҚБ) сабабли келиб чиқадиган люпус нефрит (ЛН) ногиронлик ва ўлим кўрсаткичи юқорилигининг асосий сабаби бўлганлиги туфайли тиббий ва ижтимоий жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва уларнинг кўпайиши тобора ошиб бормоқда. Нефрология соҳасида эришилган ютуқларга қарамасдан, люпус нефрит тизимли қизил бўричанинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб, касалликнинг учраш даражаси 40-60% ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда ЛНнинг ривожланишидаги гемодинамик, метаболик ва генетик омилларнинг аҳамияти муҳокама қилинмоқда. Айниқса унда башорат қилувчи генетик омилларнинг тугган ўрни катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Аммо ЛН билан оғриган беморларда генларнинг клиник-патогенетик аҳамияти ва прогностик роли тўлиқ ўрганилмаган ҳамда унинг ривожланишига сабаб бўлувчи генетик мойиллик масаласида аниқ бир фикрга келинмаган. Ушбу муаммога бағишланган нашрларнинг таҳлилларига кўра, генларнинг ЛН патогенезига қўшадиган ҳиссаси билан боғлиқ бўлган кўплаб мунозарали масалалар илмий-тадқиқотларнинг долзарблигидан далолат беради.

Калит сўзлар: тизимли қизил бўрича, люпус нефрит, альбуминурия, холестерин, триглицеридлар, липопропротеидлар, коптокчалар филтрация тезлиги.

Назарова Нигина Отабек қизи
Ташкентская медицинская академия, PhD, ассистент

Жабборов Озимбой Отахонович
Ташкентская медицинская академия, DSc, профессор

ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ КЛИНИЧЕСКОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ ГРУПП ПАЦИЕНТОВ С ВОЛЧАНОЧНЫМ НЕФРИТОМ

Аннотация. В настоящее время люпус нефрит (ЛН), который вызывается системной красной волчанкой, считается одной из актуальных проблем системы медико-социального здравоохранения в связи с высокой инвалидностью и смертностью, а количество таких пациентов увеличивается день за днём. Несмотря на достижения в области нефрологии, люпус нефрит является одним из наиболее распространенных проявлений системной красной волчанки, где степень встречаемости заболевания составляет 40-60%. В настоящее время обсуждается важность гемодинамических, метаболических и генетических факторов в развитии волчаночного нефрита. Особенно с большим интересом изучается роль генетических факторов, обуславливающих развитие волчаночного нефрита. Но клинко-патогенетическая и прогностическая значимости генов у пациентов с ВН до конца не изучены и нет однозначного ответа на вопрос о генетической предрасположенности, вызывающей развитие ВН. Согласно проведенным исследованиям, посвященным данной проблеме, в настоящее время оценка роли генов в патогенезе развития ЛП требует глубокого изучения.

Ключевые слова: системная красная волчанка, люпус нефрит, альбуминурия, холестерин, триглицериды, липопропротеиды, скорость клубочковой фильтрации.

Nazarova Nigina Otabek qizi
Tashkent Medical Academy, PhD, Assistant

Jabborov Ozimboy Otahonovich
Tashkent Medical Academy, DSc, Professor

EVALUATION OF THE RESULTS OF CLINICAL EXAMINATION OF GROUPS OF PATIENTS WITH LUPUS NEPHRITIS

Abstract. Currently, lupus nephritis (LN), which is caused by systemic lupus erythematosus, is considered one of the urgent problems of the medical and social health system due to high disability and mortality, and the number of such patients is increasing day by day. Despite advances in nephrology, lupus nephritis is one of the most common manifestations of systemic lupus erythematosus, where the incidence of the disease is 40-60%. The importance of hemodynamic, metabolic and genetic factors in the development of lupus nephritis is currently being discussed. The role of genetic factors that determine the development of lupus nephritis is being studied with great interest. But the clinical, pathogenetic and prognostic significance of genes in patients with HF have not been fully studied and there is no unambiguous answer to the question of the genetic predisposition that causes the development of HF. According to the conducted studies devoted to this problem, currently the assessment of the role of genes in the pathogenesis of LP development requires in-depth study.

Key words: systemic lupus erythematosus, lupus nephritis, albuminuria, cholesterol, triglycerides, lipoproteins, glomerular filtration rate.

DOI: <https://doi.org/10.47390/MEDV111Y2023N08>

Кириш. Ҳозирги кунда тизимли қизил бўрича (ТҚБ) сабабли келиб чиқадиган люпус нефрит (ЛН) ногиронлик ва ўлим кўрсаткичи юқорилигининг асосий сабаби бўлганлиги туфайли тиббий ва ижтимоий жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва уларнинг кўпайиши тобора ошиб бормоқда. Нефрология соҳасида эришилган ютуқларга қарамасдан, люпус нефрит тизимли қизил бўричанинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб, касалликнинг учраш даражаси 40-60% ни ташкил қилади. Бугунги кунда ЛНнинг ривожланишидаги гемодинамик, метаболик ва генетик омилларнинг аҳамияти муҳокама қилинмоқда. Айниқса унда башорат қилувчи генетик омилларнинг тутган ўрни катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методологияси. Тизимли қизил бўрича (ТҚБ) номаълум этиологияли тизимли аутоиммун ревматик касаллик бўлиб, органларга хос хужайра ядросининг турли таркибий қисмларига нисбатан аутоантитаналарни гиперпродукцияси ва ички органларни иммун яллиғланишли шикастланиши билан тавсифланади [1, 113-41-б; 5, 218-21-б;]. Люпус нефрит (ЛН) ТҚБнинг энг оғир ва прогностик жиҳатдан муҳим кўринишларидан биридир [3, 521-530-б]. Ушбу касалликнинг 44-70% болалик давридан юзага чиқиши натижасида беморларнинг ҳаёти ва ҳаёт сифатига таъсир қилиши аниқланган [2, 295-300-б.]. Люпус нефритли беморларнинг камида 10%ида терминал сурункали буйрак касаллиги ривожланади, 50%ида эса авж олиш ҳолатлари кузатилади [7, 1432-41-б.]. Тадқиқот натижаларига кўра, ТҚБ билан дунёдаги умумий касалланиш ва тарқалиш 5,5 ҳолатни ташкил этади ва кўпинча аёлларда касалланиш юқори кузатилиб, 100 минг кишига 128,7 та ҳолат тўғри келади. Кўпинча ТҚБ билан касалланган беморларда касаллик дебюти бошланишидан 2 йил давомида ЛН юзага чиқади, бунинг натижасида буйракнинг бирламчи шикастланиши 50-75% ҳолатларда кузатилади [6, 45-64-б.]. ТҚБ

беморларнинг тахминан 20%ида ЛН 16 ёшгача бўлган беморларда ривожланади. Шу билан бирга, ЛН билан сурункали буйрак касаллиги билан биргаликда юзага чиқиши натижасида беморларнинг 34,5 фоизининг ўлимига сабаб бўлади. Европа аҳолисида ТҚБ нинг тарқалиши 40 минг аҳоли сонига 100 ҳолатларга тўғри келади, касалланиш хар йили 100 минг аҳолига 5-7 та ҳолат кузатилади. Касалланиш чўққиси-15-45 ёшни ташкил қилиб, асосан балоғат ёшидаги ва туғруқдан кейинги ҳолатлардаги аёлларда кузатилади. Аёллар ТҚБ дан эркакларга қараганда 10 баравар кўп касалланадилар. ТҚБ билан касалланган беморларда ЛН ривожланиши катта ёшдаги беморларнинг 60 % ва болаларнинг 80%ини ташкил қилади.

Охирги ўн йилликларда ТҚБ билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифати ошганлиги кузатилди. Келтирилган 125 та метатаҳлиллардан хулоса қиладиган бўлсак, 5 йиллик умр давомийлиги 1950–60 йилларда 50–60%, 1990 йилга келиб 95% ошганлиги кузатилди. Умр давомийлиги 10-15 йилга кўтарилганини 2008–2016 йилларда 89% етганлиги кузатилди. Шу билан бир қаторда касалликнинг фаоллиги ва ўлим кўрсаткичлари (1960 йилда 35–70% , 2000 йилда эса 10–50%) пасайди. Бу ўзгариш энг аввало замонавий даволаш ва эрта ташхис натижаси ҳисобланади. Шунингдек касалликнинг фаоллик даражаси пасайганлиги ҳам кузатилди. Охирги йилларда ЛНнинг клиник кўринишлари оғирлик даражаси пасайиши кузатилди. Когорт тадқиқот натижасига кўра, ЛН дебютида буйрак фаолияти бузилиши пасайиши ва изолирланган сийдик ўзгаришлари ошиши кузатилди [4, 13-17-б.].

ЛН нинг ривожланиши охирги йилларда ҳаёт сифати яхшилангани, бемор ёши ошиши билан кузатилди. Гистологик гуруҳларда ва ЛНнинг статистик аҳамияти индекси хронизацияси аҳамиятли пасайди сезиларли ўзгаришлар бўлмаса ҳам ЛН фаоллиги хронизацияси индекси статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайди. 10 йил давомида терминал СБЕ яшаш давомийлиги 10 йиллик беморларда 1970 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда 87дан 99%гача ошди. 20 йиллик яшовчанлик эса янги минг йилликнинг бошига келиб 80 дан 90 %гача ўсди [3, 46-49-б.]. Жахонда люпус нефрит ривожланишининг клиник–патогенетик ва генетик жиҳатларининг прогностик аҳамиятини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар давом этмоқда. Шунга қарамасдан люпус нефрит ва сурункали буйрак касаллиги беморларнинг ўлимига сабаб бўладиган, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли генетик текширувлар ўтказилиши, касалликнинг эрта босқичида аниқланишига имконият яратади.

ЛН аниқлаш ва даволашни эрта бошлаш буйраклардаги қайтмас яллиғланишларни хавфини камайтириб ва буйрак вазифасини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Люпус нефрит (ЛН) ТҚБ касаллиги натижасида юзага келиб, унинг ривожланиши касалликнинг кечишини ва кейинги прогнозини сезиларли даражада ёмонлаштиради. Шу сабабли даволашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уни ўз вақтида аниқ ташхис қўйилишига боғлиқ бўлиб, бу ЛН учун хавф омилларини ўрганиш муаммосини аниқса долзарб ва аҳамиятли эканлигини ва уни башорат қилиш учун информацион усулларни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Муҳокама. Тадқиқотимизда 117 нафар ТҚБ билан касалланган, ЛН ривожланган ва ривожланмаган беморлар гуруҳи ва 30 нафар назорат гуруҳидаги соғлом беморларни лаборатор ва инструментал текширишлар натижаларига асосланган.

Текширишга ТҚБ билан касалланган, ЛН ривожланган ва ривожланмаган беморлар гуруҳи олинди.

Тадқиқотга олинган барча беморлар лаборатор-инструментал текширувлардан ўтказилди.

Текширишга олинган 117 нафар бемор асосан «ходиса-назорат» асосида 2 та асосий гуруҳларга ажратиб ўрганилди.

1 гуруҳ ЛН ривожланмаган беморлар гуруҳи (n=47). Эркак n=4 (8,5%), аёл n=43 (91,5%). Ўртача ёш-36,4±1,9 йил;

2 гуруҳ ЛН ривожланган беморлар гуруҳи (n=70). Эркак n=6 (8,6 %), аёл n=64 (91,4%). Ўртача ёш-36,7±2 йил;

Тадқиқот ишимизда ТҚБ билан касалланган, ЛН ривожланган ва ривожланмаган гуруҳларида лаборатор ва инструментал текшириш натижалари гуруҳлараро таққослаб ўрганилди.

Текширишга олинган 1 ва 2 гуруҳ беморлар орасида буйракнинг функционал ҳолати сийдикдаги МАУ, қоннинг биокимёвий таҳлили мочевино, креатинин, КФТ ва буйрак томирлари доплерографияси натижалари асосида ҳамда холестерин, триглицеридлар, юкори ва паст зичликдаги липопротеидлар ўрганилди.

Натижалар. Тадқиқот натижаларига кўра 1 ва 2 гуруҳ беморлари ўзаро таққосланган 1-гуруҳга нисбатан 2-гуруҳда сийдикда МАУ ишончли даражада кўп ажралиши кузатилди ва мос равишда 22,6±0,825 ҳамда 248,5±5,39 (P<0,05) га тенг бўлди. Сийдикда МАУ миқдорининг ошиши қондаги мочевино (r=0,48), креатинин (r=0,49) ва буйрак томирлари доплерографияси резистентлик индекси (RI) билан ишончли (P<0,01) мусбат корреляцион боғлиқлик борлигини ҳамда КФТ (r=-0,75) билан ишончли (P<0,01) манфий корреляцион боғлиқлик борлигини кўрсатди (1-жадвалга қаранг).

Касалликнинг давомийлиги КФТ билан (r=-0,35) ишончли (P<0,05) манфий корреляцион боғлиқлик аниқланди. Шунингдек микроальбуминурия САБ, ДАБ, ўртчаҚБ билан ҳам ишончли (P<0,05) мусбат корреляцион боғ хосил килди.

1 -жадвал


Кузатувдаги беморлар гуруҳларида биокимёвий кўрсаткичлар нисбати

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ	2 гуруҳ
Ёши (йил)	36,4±1,9	36,7±2
Касалликнинг давомийлиги	8,5 ±0,927	8,6±0,84
Микроальбуминурия	22,6±0,825	248,5±5,39*
Мочевина	6,5±0,320	8,9±0,81*
Креатинин	65,3±2,445	99,4±9,23*

Коптокчалар филтрацияси тезлиги	103,8±3,134	86,6±3,93*
Холестерин	6,2±0,081	8,6±0,27*
Триглицеридлар	2,1±0,047	4,8±3,64*
Паст зичликдаги липопротеидлар	3,2±0,130	3,3±0,13*
Юқори зичликдаги липопротеидлар	1,7±0,096	2,1±0,08

Изоҳ: *-ишончилилик даражаси (P<0,05)


Тадқиқот натижаларига кўра ЛН ривожланиши буйрак томирларида яллиғланишнинг ривожланиши билан содир бўлади, ҳамда буйракнинг функционал ҳолатини ёмонлаштиради (1 расмга қаранг).



1-расм. Гуруҳлар ва гуруҳлараро альбуминурия натижалари.


Ўрганилаётган гуруҳларда буйрак функционал ҳолатини баҳоловчи қондаги мочевина, креатинин ва КФТ кўрсаткичлари ўрганилди. Бунга кўра 1 ва 2-гуруҳ беморларидаги натижаларни гуруҳлараро қиёслаб ўрганганимизда ЛН ривожланган беморларда буйракларнинг функционал ҳолати пасайганлиги кузатилди ва ишончли даражада (P<0,05) қайд қилинди, мос равишда 6,5±0,320-8,9±0,81, 65,3±2,445-99,4±9,23, 103,8±3,134-86,6±3,93.

Конда мочевина ва креатининнинг ошиши КФТ камайиши билан кузатилди. Мочевина ва креатинин кўрсаткичлари ўртасида ишончли (P<0,05) мусбат корреляцион боғлиқлик борлиги ҳамда мочевина КФТ ва креатинин КФТ ўртасида ишончли (P<0,05) манфий корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. (2-расмга қаранг).




2-расм. Гуруҳлар ва гуруҳлараро мочевина ва креатинин натижалари.

Бундан шу нарса маълум бўладики, қонда мочевина креатининнинг ошиши, яъни буйрак етишмовчилиги ривожланган сайин КФТ пасайиши билан кузатилади.



3-расм. Гуруҳлар ва гуруҳлараро КФТнинг натижалари

Қондаги холестерин (ХС), триглицерид (ТГЛ) ва юқори зичликдаги липопротеид (ЮЗЛП) биринчи ва иккинчи гуруҳларни қиёсий ўрганилганда ишончли даражада ўзгариш кузатилмади. 1 ва 2-гуруҳлар орасида ХСнинг ТГЛ, ПЗЛП билан мусбат корреляцион боғлиқлиги ($r=-0,28$, $r=-0,67$) борлиги кузатилди. (4 расмга қаранг).



4 расм. Гуруҳлар ва гуруҳлараро триглицерид натижалари.

ЮЗЛП касалликнинг давомийлиги билан манфий корреляцион боғлиқликни кўрсатди ($r=-0,27$). 1чи ва 2 гуруҳлар ўртасида ПЗЛП ўрганилганда 2-гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан юқорилиги кузатилди, ишончли даражада фарқ қайд қилинди ($P<0,05$). ПЗЛП кондаги микдорининг ошиши буйракда қон айланишининг V_{max} ($r=-0,32$) ва КФТ ($r=-0,22$) нинг пасайиши, яъни манфий корреляцияли боғлиқлик билан кузатилди.

Хулоса. Тадқиқот натижаларига кўра люпус нефрит ривожланган беморларда буйракларнинг функционал фаолиятини баҳоловчи КФТнинг пасайиши пешобдаги МАУни ошиши билан узвий боғлиқликни хосил қилди ва креатинининг мос равишда юқорилиги билан ифодаланган бўлса, кондаги ТГЛ ва ПЗЛП микдорини ошиши билан кузатилди ва бу сурункали буйрак касаллигини янада ривожланишига сабаб бўлди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Насонов ЕЛ, редактор. Системная красная волчанка. В кн.: Российские клинические рекомендации. Москва: ГЭОТАРМедиа; 2017. С. 113-41 [Nasonov EL, editor. Systemic lupus erythematosus. In: Rossiiskie klinicheskie rekomendatsii [Russian clinical guidelines]. Moscow: GEOTAR-Media; 2017. P. 113-41 (In Russ.)].
2. Костик М.М., Кучинская Е.М., Абдурагимова Ф.Н., Гурина О.П., Калашникова О.В., Часнык В.Г. Опыт применения ритуксимаба у детей с системной красной волчанкой: ретроспективное исследование серии случаев. Вопросы современной педиатрии. 2016; 15 (3): 295–300.
3. Weening J.J., D'Agati V.D., Schwartz M.M., et al. The classification of glomerulonephritis in systemic lupus erythematosus revisited. *Kidney Int* 2004;65:521-530.
4. Rovin B.H., Caster D.J., Cattran D.C., Gibson K.L., Hogan J.J., et al. Management and treatment of glomerular diseases (part 2): conclusions from a Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO) Controversies Conference *Kidney Int* 2019;95:281-295. doi: 10.1016/j.kint.2018.11.008.
5. Соловьев СК, Асеева ЕА, Зоткин ЕГ и др. Проблемы низкой активности и ремиссии при системной красной волчанке. Научно-практическая ревматология. 2019;57(2):218-21 [Soloviev SK, Aseeva EA, Zotkin EG, et al. Problems of low activity and remission in systemic lupus erythematosus. *NauchnoPrakticheskaya Revmatologiya = Rheumatology Science and Practice*. 2019;57(2):218-21 (In Russ.)]. doi: 10.14412/1995-4484-2019-218-221.
6. Насонов ЕЛ, Авдеева АС. Иммуновоспалительные ревматические заболевания, связанные с интерфероном типа I: новые данные. Научно-практическая ревматология. 2019;57(4):452-61 [Nasonov EL, Avdeeva AS. Immunoinflammatory rheumatic diseases associated with type I interferon: new evidence. *Nauchno-Prakticheskaya Revmatologiya = Rheumatology Science and Practice*. 2019;57(4):452-61 (In Russ.)]. doi: 10.14412/1995-4484-2019-452-461.
7. Tektonidou MG, Dasgupta A, Ward MM. Risk of end-stage renal disease in patients with lupus nephritis, 1971-2015: A systematic review and Bayesian meta-analysis. *Arthritis Rheum*. 2016;68(6):1432-41. doi: 10.1002/art.39594.

Худойдодова Сайёра Гафурджановна
Бухарский Государственный Медицинский институт

КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ВНУТРИУТРОБНЫЕ ИНФЕКЦИИ У ДЕТЕЙ

Аннотация. 60 детей в возрасте от 1 месяца до 1 года с фебрильным судорожным синдромом, поступившие в отделение интенсивной терапии. Детей находившиеся под наблюдением распределили на 3 группы: 1-я – детей с судорожным синдромом, перенесшие перинатально церебральную ишемию-гипоксию родившиеся в срок. Во 2-ю группу вошли недоношенные дети, перенесшие перинатально церебральную ишемию-гипоксию, 3-ю группу включили детей без патологии в перинатальном периоде с фебрильным судорожным синдромом. В 1-ю группу включили 24 (40%) детей, во 2-ю 6 (10%) на сроке гестации от 29 до 33, 10 (16,7%) на сроке гестации от 34-37 недель. В 3-ю группу включили 20 (33,3%) детей.

Ключевые слова: дети, лихорадка, судорожный синдром, гипоксия, инфекционные болезни.

Худойдодова Сайёра Гафурджановна
Бухоро давлат тиббиёт институти

БОЛАЛАРДА ҲОМИЛАИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ

